

ҒАЙБУЛЛА БОБОЁРОВ

Шун ябзу-хоқон

(рисола)

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2011

УДК 94(575)(092) Тун ябғу-хоқон
ББК 63.3(5Ў)4
Б79

Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:
тарих фанлари доктори, профессор А. Хўжаев

Бобоёров, Ғайбулла.

Тун ябғу-хоқон (рисола) / Ғ. Бобоёров; лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 48 б. – (Тарих ва тақдир).

Ушбу рисолада Буюк Турк хоқонлиги тарихида муҳим роль ўйнаган Тун ябғу-хоқон фаолияти тўғрисида сўз боради. Муаллиф буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарданинг ҳаёт йўли ҳамда ҳарбий фаолиятини кўрсатиш билан чекланмасдан, VI-VII асрларда Марказий Осиёда юз берган сиёсий-этник жараёнларга ҳам эътибор қаратган.

Мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Тун ябғу-хоқон
ББК 63.3(5Ў)4

ISBN 978-9943-336-46-9

© «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011 й.

Сўзбоши

Бир неча юз минг йилларни гўё «тилсиздек» бошдан кечирган ва ўз авлодларига бирор аждодининг на исми, на шахси ҳақида батафсил маълумот қолдириш имкониятини топа олмаган инсоният, ниҳоят бундан беш минг йил олдин ёзувни кашф этди. У асрлар оша оғиздан оғизга кўчиб келаётган ҳақиқату афсоналарни турли ашё ва буюмлар сиртига муҳраб, келгуси насллар учун бебаҳо хазина тухфа этиш каби муқаддас бурчни бажариш бахтига мушарраф бўлди. Фақат шундайдан бошлабгина келажак насл ёзув воситасида ов маросимларию жангу жадалларда маҳорати туфайли ўз жамоасининг йўлбошчисига айланган оқилу доно билгалар, довиюрак баҳодир алплар ҳақидаги хотиралардан хабар топишди.

Мана, бир неча минг йиллардан бери дунёнинг бошқа халқлари қаторида Туркистон халқлари орасидан етишиб чиққан йўлбошчилар ҳақида маълумотлар ёзма манбаларда ўз аксини топиб келади. Улардан баъзиларининг номлари асрлар оша наслдан-насла нақл қилиниб, шуҳрати янада ортди ва ҳозирги кунда ҳам ўз қадрига эга. Гарчи ривоятлар ва афсоналарда бўлса-да, Ўғузхон, Зардушт, Тумарис, Широқ ва яна қанча-қанча исмлар ҳалигача эъзозланиб келинади, ҳарбий саркарда ва давлат бошлиқлари бўлмиш Спитамен, Канишқа, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Абулғози Баҳодирхон каби тарихий шахсларнинг исмлари эса минтақа халқлари тарихига доир китобларнинг саҳифаларини безаб туради. Уларнинг исми нафақат тарихчи ёки ижтимоий соҳа мутахассислари, балки жамиятнинг деярли барча аъзоларига таниш. Бироқ ўз фаолияти билан замонасида буюк ишларни амалга ошириб, овозаси узоқларга ёйилган, фақат тақдир тақозоси туфайли ёки айрим бошқа сабаблар боис номи кўпчиликка маълум бўлмасдан қолаётган ўнлаб аждодларимиз – давлат бошлиқларию ҳарбий саркардалар бор.



Шундай тарихий шахслардан бири Тун ябғу-хоқондир. Гарчи у алоҳида бир давлат ёки сулолага асос солмаган ёки ўз халқини хорижликлар асоратидан қутқарган шахс бўлмаса-да, ота-боболаридан мерос давлатни янада юксалтиришга қўшган ҳиссаси туфайли ўз даври ёзма манбаларида буюк шахс сифатида тилга олинади. У Узоқ Шарқдан то Қора денгизгача, Жанубий Сибирдан то Шимолий Хитой ва Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудда барпо этилган Буюк Турк хоқонлиги (551–745) асосчиларидан бири бўлмиш Истами ябғу (560–576)нинг чевараси бўлиб, бобоси Тарду хоқон (576–603) номи билан машҳур эди. Тун ябғу 618–630 йиллардаги ўз ҳукмронлиги мобайнида ўзаро тахт талашувлар туфайли заифланиб қолган хоқонликнинг нафақат аввалги шон-шухратини қайтадан тиклади, балки ўн йилдан ошиқ давом этган ҳарбий фаолияти натижасида ўнлаб янги ўлкаларни ўз давлати ҳудудига киритган ва бошқарув тизимида ислоҳот ўтказиб, тобе ўлкалар устидан назорат усулларини ишлаб чиққан шахс сифатида тарихда қолди.

Чоч – Тун ябғу-хоқон қароргоҳи

Тун ябғу-хоқон тахминан 580–589 йилларда Турк хоқонлигининг ғарбий қанотида ҳукмронлик қилаётган Тарду хоқоннинг ўғли Тулунинг иккинчи фарзанди сифатида дунёга келади. Тарду навбатдаги набираси таваллуд топиши арафасида эндигина Еттисувдаги Чу ва Талас дарёлари бўйларида истиқомат қилаётиб Ўн Ўқ эли номи остида бирлашган 10 нафар туркий қабилаларга таянган ҳолда ўз ҳокимиятини кучайтириш ҳаракатига тушган, отаси Истами ябғу асос солган давлат пойдеворини янада мустақкамлаш учун гоҳ қарам қабила ва уруғлар билан кураш олиб боришга, гоҳ ҳуқуқий жиҳатдан доимо ўзларининг мавқеи юқорилигини пеш килувчи Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари билан зиддиятга боришга мажбур бўлаётган бир давр эди. Шунингдек, бир вақтлар дўстона муносабатда бўлган Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шаҳаншоҳларининг эндиликда хоқонлик билан адоватга бориши ва юборилган савдогарларга қўпол муомала қилиниб, улар томонидан тижорат мақсадида таклиф этилган ипак матолар намойишкорона ёқиб юборилиши ҳар иккала салтанат орасида урушни муқаррар қилиб қўяётган эди. Ўз навбатида Тарду хоқон ўз қўшинлари билан Амударё жануби ва ғарбида Сосонийлар давлати қўл остига ўтиб қолган ҳудудларни эгаллаш орзусида ёнарди.

Шу жиҳатдан олганда Тарду ўз характерига кўра бирмунча сокиш ва мулоҳазали отаси Истами ябғудан анча фарқ қиларди. Истами ябғу эса ўғлидан фарқли равишда 550–559 йилларнинг илк саналарида ўз отаси Бумин хоқон билан елкама-елка туриб, давлат барпо этишда қатнашган, ҳали давлатнинг тамал тоши қўйилар-қўйилмас, 552 йилда отаси вафот этгач, у ҳокимият ишларига ортиқча аралашмасдан, отасининг ўғилларига тахт тепасига чиқишида хайрихоҳ бўлган, умрининг асосий қисмини эса тахтдан узоқда, ўзига ажратилган вазифа – ғарбдаги ўлкалар; Олтой тоғларидан то Шимолий Кавказгача чўзилган ҳудудларни хоқонликка бўйсундириш ва янги эгалланган жойларни назорат

қилиш билан ўтказган эди. Набираси Тун ябғунинг ёшлик йиллари эса бобоси Тардунинг муттасил ҳокимият талашувлари билан кечган, ўз қўл остидаги қўшинлар билан гоҳ хоқонликнинг Олтой тоғларидан ғарбдаги қисмлари: маркази Егтисув ва атрофларини ўз ичига олувчи ғарбий қанотида, гоҳ Олтой тоғларининг шарқидаги ўлкалар: маркази Ўрхун водийсида бўлиб, бутун Мўғулистон, Жанубий Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимолий Хитой худудларини ичига олган шарқий (марказий) қанотида кўриниб, олий ҳукмдорлик учун ўз амакиваччалари билан муттасил кураш олиб бориш каби серғалва бир даврига тўғри келди. Ҳатто у бобосининг бир муддат – 600–603 йиллар оралиғида Ўтукан водийси (Ўрхун)га бориб хоқонлик тахтини қўлга киритгани ва Турк хоқонлигининг Шарқий ва Ғарбий қанотларини бирлаштириб, Буюк хоқон бўлганлигию, кўп ўтмасдан амакиваччалари томонидан мағлубиятга учратилиб, Тугухун номли қабила орасига қочганча бедарак кетганига гувоҳ бўлганди. Шундан кейин Тун ябғу оғаси Шегуй билан биргаликда отаси Тулу каби анча йилларгача аждодлари ҳиссасига тушган ҳокимият – Ўн Ўқ эли ёки Ғарбий Турк хоқонлиги номини олган ғарбий қанот бошқарувидан ҳам бебахра қолишга мажбур бўлганди. Чунки 603 йилда Тарду бедарак йўқолгач, бу ердаги ҳокимият Тулунинг амакиваччалари бўлиши, Буминнинг эвараларидан Чўра хоқон қўлига ўтган бўлиб, анъанага кўра оға-ини Бумин авлодлари ва Истами авлодлари орасидаги келишув бузилган эди. Ниҳоят, 610 йилга келиб Шегуй Чўра хоқонни ҳокимиятдан узоқлаштириб, Истами авлодлари ўз ҳиссаларини яна қайтариб олишга муваффақ бўлгач, Тун ябғу учун ҳам катта имкониятлар очилади.

Гарчи Шегуй Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори сифатида 8 йилга яқин фаолият юритган бўлса-да, манбаларда унинг олиб борган ишларига доир маълумот унча кўп сақланиб қолмаган. Бунинг аксича, иниси Тун ябғу-хоқон ҳақидаги маълумотлар нафақат хитой йилномаларида, балки юнон ва арман тилларидаги ёзма манбаларда ўз аксини топиши баробарида нумизматик материалларда ҳам муҳрланиб қолган. Ҳақиқатан ҳам хоқонликнинг жануби-шарқдан қўшниси хитой тарихнавислари ёки хоқонликка ғарбдан яқин қўшни византия му-

аррихлари асарларида бўлсин, Турк хоқонлиги фаолиятига кенг жой ажратилган бўлиб, улардан Тун ябғу-хоқон даврида хоқонлик ҳудуди ғарбда Шимолий Кавказдан янада ғарброқдаги ўлкаларга, жануби-ғарбда эса Хуросону Кобулгача кенгайгани маълум. Шу ўринда Хитойнинг Тан сулоласи тарихини ёритувчи «Тан шу» йилномасида акс этган куйидаги сатрлар мохиятан унинг фаолиятини ёритади: «Тун ябғу-хоқон мард ва уддабурон киши эди. Бирор жангга киришса, қисқа вақтда галаба қозонарди. Муҳораба ва ҳужумда тенгсиз бўлиб, бундай маҳорати соясида Теле (40 дан ортиқ туркий қабилаларни ўз ичига олган) иттифоқини ўзига боғлади. Ғарбда Бо-си (Форс/Эрон) ва Гибин (Каписа/Шимолий Ҳиндистон)ни бўйин эгдирди. Юз мингларча аскарни бор эди».

Тун ябғу-хоқоннинг сиёсий фаолиятию давлатни юксалтиришдаги хатти-ҳаракатларига назар ташлашдан олдин, унинг исми билан боғлиқ масалага тўхталиб ўтсак. Қадимги туркий анъаналарга кўра, ҳарбий кишилар, айниқса ҳукмдорлар болалик исми билан эмас, ҳарбий салоҳияти ва инсоний фазилатига қараб лақаби билан аталар ёки уларга улуғловчи сўзлар билан мурожаат қилишарди. Шу боис ёзма асарларда тилга олинган аксарият туркий ҳукмдорлар ва лашкарбошиларнинг исмларига аслида уларнинг асл исми эмас, балки таҳаллуси ёки куняси (лақаби) сифатида қараш лозим. Хуллас, туркий ҳукмдор ёки лашкарбошиларнинг асл исмини аниқлаш анча мушкул. Худди шу ҳолат Тун ябғу-хоқон исмига ҳам тааллуқли. Тун ябғу унинг асл исми бўлмай, балки эпитет (куня) ва унвони эди. Исмнинг биринчи қисми ҳозирги бир қатор туркий тилларда сақланиб қолган, қадимги турк тилига хос тун – «илк, улуғ, бош, катта» сўзи билан алоқадор бўлиб, ўзбек тилидаги худди шу маъноларда қўлланилувчи тўнғич сўзининг негизи ҳам тун сўзига бориб тақалади. Қадимги туркий давлатчилик анъаналарига кўра, ҳар бир амалдор, хоҳ у хоқон бўлсин, хоҳ қуйи даражали лавозим эгаси бўлсин, уларнинг исми олдига баҳодур, алп, билга (доно) каби эпитет (сифат)ларга ўхшаб тун сўзи ҳам қўшиб айтилар ва шу асосда бир хил унвонга эга амалдорлар даражасига кўра фарқланарди. Кези келганда айтиб ўтиш керак, тун сўзи ҳозирги тилимиздаги «кеча, кечқурун» маъносига тун сўздан фарқли бўлиб,

ундаги у унлиси қаттиқ талаффуз этилган. Тилшуносликда «илк, тўнғич» маъносидаги *тун* сўзи *тин* тариқасида, «кеча» маъносидаги *тун* эса *тин* шаклида транскрипция қилинади. Бу биринчи сўзнинг қаттиқ, иккинчисининг эса юмшоқ талаффуз қилиниши билан боғлиқ. Тун ябғу-хоқон исмидаги иккинчи сўз *ябғу* эса Турк хоқонлигида бош ҳукмдор – хоқондан кейин турувчи амалдорга, тўғрироғи, унинг ўринбосарига нисбатан қўлланилган. Унинг бош унвони фақатгина *ябғу* шаклида эмас, балки *ябғу-хоқон* тарзида қўшалоқ унвон тариқасида учрашининг боиси шуки, бу даврда Турк хоқонлигининг энг олий ҳукмдори сифатида *хоқон* унвонини Шарқдаги бош хоқонлик – маркази Ўрхун (Мўғулистон)да бўлган ҳукмдорлар қўллашга ҳақли бўлиб, хоқонликнинг ғарбий қаноти бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари эса *ябғу-хоқон* унвонини ишлатишар ва шу тариқа улар марказга боғлиқлигини ифодалашар эди. Дарвоқе, арман манбаларида ушбу унвон *жебу-хоқон* шаклида қайд этилиб, бу унвон эгасининг хоқонликда бош ҳукмдор – хоқондан кейин иккинчи ўринда турувчи шахс эканлиги таъкидланади. Демак, Тун ябғу-хоқон исмининг дугавий маъноси «Тўнғич (бош) ябғу-хоқон» деган маънода бўлган.

Аслида унинг бу исми айнан шу шаклда бирор ёзма манбада сақланиб қолмаган бўлиб, хитой манбаларидаги *Тунг шэ-ху ке-хан* шаклини тадқиқотчилар *Тун ябғу-хоқон* тариқасида тиклашган эди. Тўғри, ушбу исмнинг аслини тиклашга ёрдам берадиган маълумот гибет манбаларида учраб, фарғоналикларга бош бўлган ҳолда Хитойга зарба берган Турк хоқони сифатида *Топ Яа-бғи кһа-ган* тилга олинса-да, мазкур воқеалар анча кейинги даврга, VIII асрнинг бошларига тааллуқли эканини ҳисобга олиш керак бўлади. Не бахтки, кейинги йилларда кўҳна Чоч – Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материаллар устида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида VII асрда зарб қилинган мис тангалар сиртида суғдий ёзув билан *Тун жабғу-хоқон* сўзлари ёзилганини аниқлашимиз ушбу ҳукмдор исмининг асл маҳаллий шаклини тиклаш имконини берди. Муҳими шундаки, ушбу ҳукмдор ўз танга-пул тизимига Чоч воҳасида асос солган Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқа ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, бироз куйида кўриб ўтадиганимиздек, танга зарби

ишини янада ривожлантириб, иконографик жиҳатдан хилма-хил бўлган ва қадимги туркий давлатчилик анъаналарининг кўплаб жиҳатларини ўзига жо қилган уч хил типдаги тангалар зарб қилдиради. Кези келганда айтиб ўтиш керак, Тун ябғу-хоқон исмидаги *ябғу-хоқон* сўзининг тангаларда *жабғу-хоқон* шаклида ёзилиши ҳам ўз асосларига эга. Дарвоқе, ҳозир ҳам бир қатор туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек шеваларида бўлганидек, ўша даврлардаёқ сўз бошидаги *й-* ундошини ж-шаклида талаффуз этиш анъанаси мавжуд бўлиб, бу қадимги туркий битиктошлардаги *йабғу* (ябғу) шаклидан фарқли ҳолда Чоч тангаларида *жабғу* ва *жабғу-хоқон*, арман манбаларида *жебу-хоқон* ёки араб манбаларида *жабғу*, *жабба-хон* шаклларида учрашида ўз тасдиғини топади.

Энди унинг сиёсий фаолияти билан танишсак. Тун ябғу-хоқон 618 йилда Егтисувда, ўша пайтда Ғарбий Турк хоқонлигининг маркази бўлган Суяб шаҳрида тахтга ўтиради. У дастлабки фаолияти давомида хоқонлик бошқарувида ислохотлар ўтказиб, бошқарув марказини Чоч воҳасининг шимолидаги Мингбулоқ мавзесига кўчиради ва бу ердан туриб ғарбий ўлкалар устидан назоратни кучайтиради. Унинг сиёсий марказ моҳиятидаги қароргоҳни Егтисувдан Чоч воҳасига кўчиришдан мақсади ҳар ҳолда воҳанинг стратегик жиҳатдан муҳим бир ерда жойлашгани билан боғлиқ эди. Чунончи, илк ўрта асрларда Чоч нафақат бугунги Тошкент воҳасини ўз ичига олар, балки ҳудудий жиҳатдан шимоли-шарқда Тароз, шимоли-ғарбда эса Тарбанд (Ўтрор/Фороб) вилоятини, яъни бугунги Жанубий Қозоғистон ҳудудини қамраган ўлка ўларок, жуғрофий жойлашувига кўра Марказий Осиёнинг шимоли-шарқдаги кўчманчи чорвадор элатлар билан минтақанинг жануби-ғарбидаги ўтроқ деҳқон халқлар орасида сиёсий, маданий ва тужжорий алоқалар учун кўприк ролини ўйнади. Айниқса, бу ҳудуд хоқонлик таркибига кириб, воҳада тужжорий ҳаёт гуркираб ўса бошлаши хоқонларнинг эътиборини тортмасдан қолмасди. Шу билан биргаликда, Чоч воҳасида қароргоҳ қуриш – ҳам кўчманчилар устидан, ҳам ўтроқ воҳалар устидан назоратни янада қулайлаштириш имконини берарди. Дарвоқе, Чочнинг бу каби ўзига хос хусусиятлари Тун ябғу-хоқондан ол-

дин ўтган хоқонларнинг ҳам назаридан четда қолмаган, уларнинг буйруғи билан воҳа маркази Биңкент (ҳозирги Тошкент) шаҳри яқингинасида Жабғукат номли шаҳар қад кўтарган, ҳатто Чўра хоқон (599–610) ҳукмронлиги даврида таъсис қилинган иккита кичик хоқонликдан бирининг маркази ғарбда, Чочнинг шимолидаги Мингбулоқ мавзесида барпо этилганди. Тун ябғу-хоқон ҳам Чочнинг ушбу жиҳатларини назарда тутган, шекилли, хитой йилномаларида таъкидланишича, бу ердан туриб у қўл остидаги катта-кичик воҳа давлатлари бошқарувчиларининг ҳар бирига *элтабар* унвонини тақдим этади ва улар назорати учун бирор *тудун* юборади. Бинобарин, *элтабар* унвони Турк хоқонлигида юқори даражали унвонлардан бири эди ва маъноси «элни, давлатни тутиб турувчи» мазмунида, *тудун* унвони эса хоқонликнинг бошқарув тизимига хос унвонлардан бири сифатида «бўйсундирилган ўлкалардан солиқ йиғишни ташкил қилувчи ва маҳаллий ҳукмдор устидан назорат этувчи», яъни ноиб маъносида эди. Демак, тобе ҳукмдорларга ҳам юқори унвон бериш, ҳам улар устидан бирор назоратчи тайинлаш каби ислохотларни амалга ошириш билан Тун ябғу-хоқон вассаллари устидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида бўлган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда Марказий Осиёнинг ўтроқ турмуш тарзи ҳукмрон қисмларида хоқонликка бўйсунувчи кичик ҳукмдорликлар – ярим мустақил воҳа давлатлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони 20 дан ошган. Хусусан, Турк хоқонлигининг илк даврларидаёқ – 560–569 йиллардан бошлаб то ушбу хоқон ҳукмдорлигигача ўтган 50 йил мобайнида хоқонлик таркибида Шарқий Туркистондаги Кумул, Турфон, Қорашаҳр, Куча, Кошғар, Хўтан, Урта Осиёда эса Фороб (Ўтрор), Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд (Самарқанд, Панжикент, Кушония, Маймурғ, Кеш, Нахшаб ва б.), Бухоро, Хоразм, Тўхористон (Балх, Термиз, Чағониён ва бошқа жами 27 ҳокимлик), Марв, Деҳистон каби, шунингдек, Хуросоннинг бир қисми, Бадахшон, Бомиён, Кобудистон, Зобудистон, Гандхара сингари баъзилари ҳокимлик, баъзилари эса анчагина йирик ҳукмдорлик даражасидаги воҳа давлатлари мавжуд эди. Тун ябғу-хоқон нафақат ушбу воҳа давлатлари маҳаллий ҳукмдорлари қошига, балки Сосонийлар Эронидек ўша даврнинг энг йирик салтанатига ҳам ўз нои-

би – тудунни хоқонлик вакили сифатида юборади. Шунингдек, у стратегик жиҳатдан муҳим, чегарада жойлашган воҳа давлатлари бошқарувини бевосита қўлга олишга интилиб, Сосонийларга ҳудудий яқин бўлган Амударёнинг юқори ҳавзаларидаги 27 вилоятни ўз ичига олувчи Тўхористон ўлкасининг бошқарувига Тардушад исмли ўғлини тайинлайди. Кейинчалик унинг авлодидан бўлган шаҳзодалар Кобулистон (Кобул)да тегин-шоҳийлар сулоласига асос солишади. Улар бу ерда туриб Кашмир, Гандхара, Зобул (Ғазни), Кандаҳор устидан назорат ўрнатишади.

Тун ябғу-хоқон тобе ҳукмдорликларни бошқариш учун хоқонликда мавжуд анъанавий усул – никоҳ ришталари орқали бошқарувни йўлга қўяди. Жумладан, хитой йилномаларида Самарқанд ҳукмдори Кюймучжи Шэ-ху кехан (ябғу-хоқон)нинг қизига уйланиши зикр қилиниб, «у шу вақтдан эътиборан тукюе (турк)ларга бўйсунди», дея таъкидлаб ўтилади. Хоқоннинг яна бир қизи Сосонийлар шаҳаншоҳи Хусрав Парвиз (591–628) билан турмуш куради. Айнан шу йилларда хоқонликнинг Эрон устидан назорати кучайган бир пайт эди. Таомилга кўра, хоқонлар ўз қизларини вассал ҳукмдорларга узатишар ва шу тариқа уларни ўзларининг тобелигига олишарди. Бу усул аслида қадимги туркийлар одадига мос бўлиб, унга кўра қиз берган тараф куёв томондан устун ҳисобланарди. Хоқонлар эса ўзларига тенг мавқедаги салтанатлар ҳукмдорлари билан никоҳ алоқаси ўрнатишга уринишарди. Хусусан, Тун ябғу-хоқон хитой маликасига уйланиш учун Хитой императорига элчи юборган бўлса, 628 йилда Византия императори Ираклий (610–641) билан Кавказда учрашганда, император унга ўз қизини беришни ваъда қилади.

Тун ябғу-хоқоннинг ташқи сиёсатда олиб борган ишлари ҳам ўзидан олдинги хоқонларникидан анча илғор эди. Хусусан, у ўз даврида жаҳоннинг энг қудратли давлатлари бўлмиш Византия, Сосонийлар Эрони ва Хитой билан алоқаларни яна қайтадан йўлга қўяди. Айниқса бу борада хоқонликнинг ғарбдаги қўшниси Византия империяси билан дўстона алоқалар ўрнатиб, ўзаро элчилар алмашиб турганлиги диққатга сазовордир. Жануби-шарқдан қўшниси Хитой империяси билан эса нафақат элчилик алоқаларини йўлга қўяди, балки хитой маликаларига уйланиш мақсадида бир неча бор хитой импе-

раторига ўз никоҳ таклифларини юборади. Шунингдек, унинг буйруғи билан хоқонлик қўшинлари Сосонийлар Эронига қарши икки жабҳадан, жануби-ғарбдан Амударё – Шарқий Каспий йўналиши бўйлаб, шунингдек, иккинчи йўналиш – Шимолий Кавказ орқали хужум бошлайди. Хоқонлик қўшинлари Дарбанд (Доғистон)ни ошиб ўтишиб, 628 йилда Тифлис (Тбилиси)ни қўлга киритишади. Бошқа бир йўналишда – жануби-ғарбда Сосонийлар Эронига қарши ҳаракат қилган хоқонлик қўшинларининг бошқа бир қисми 620–629 йилларда то Исфаҳон ва Рай шаҳарларигача етиб бориб, Сосонийларни ўзларига тобе қилишади. Жанубда эса улар Ҳиндикуш тоғини ошиб ўтиб, Кобуд, Зобуд, Кандаҳор билан биргаликда яна бир қатор Шимолий Ҳиндистон вилоятларини хоқонлик таркибига киритишади. Муҳими, ушбу ҳарбий ҳаракатлардан аксариятига Тун ябғу-хоқоннинг шахсан ўзи бошчилик қилади.

Таъкидлаш жоиз, Тун ябғу-хоқоннинг фаолияти фақат ҳарбий ҳаракатлар билангина чекланиб қолмаган. Аввало, у юқорида ҳам келтирилганидек, бошқарув тизимида ислохотларни амалга ошириб, вассал (тобе)лар устидан назоратни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, у узоқни кўзловчи ҳукмдор ўлароқ, хоқонлик аҳолисининг турли хил этник таркибдан иборат эканини кўзда тутган ҳолда ички сиёсатда толерантлик (бағрикенглик) илиқ сиёсатини юргизади. Бу унинг ўзи қадимги туркийлар дини бўлмиш тангричилик эътиқодига мансуб бўлиши баробарида будда динига ҳам рағбат кўрсатиб, Бешбалиқ шаҳри (Шарқий Туркистон) атрофида Хоқон Будда шаҳри барпо қилдирганида ва Хитойдан Ҳиндистон сафарига чиққан будда роҳиби Сюан Цзанни илиқ қарши олгани ва унга ҳаддан ортиқ иззат-икром кўрсатганида кўзга ташланади. Дарвоқе, ушбу роҳиб сафари давомида то кўзланган манзилга етиб боргунгача бўлган йўл Тун ябғу-хоқон қўл остидаги ўлкалардан ўтарди. Қизиғи шундаки, хоқон янада ҳиммат кўрсатиб, йўлни яхши биладиган, хитой тили билан биргаликда турли элатлар тилларидан хабардор «тархон» унвонли бир туркий жангчини роҳибга ҳамроҳ қилиб беради. Роҳиб Ҳиндистонга етиб боргунга қадар унинг хавфсизлиги хоқонлик вакиллари томонидан таъминланадики, бу албатта унинг буйруғи билан амалга оширилган.

Шу билан бир қаторда, Тун ябғу-хоқон ва унинг аждодлари ҳукмронлиги даврида Буюк ипак йўли бўйлаб, айниқса унинг шимолий йўналишида амалга ошириладиган савдо-сотик янада тараққий этади. Буюк ипак йўлининг Шарқий Европадан то Узоқ Шарққача чўзилган ва асосан Шимолий Қора денгиз – Шимолий Кавказ – Волгабўйи – Орол денгизи – Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари – Етгисув – Шарқий Туркистон – Шимолий Хитой каби йирик иқтисодий-маданий зоналарни ўз ичига олувчи шимолий йўналиш бўйлаб жойлашган ҳудудларда савдо-сотик марказлари сифатида кўплаб шаҳарларнинг пайдо бўлиши айнан хоқонлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди ва санаб ўтилган ўлкаларнинг аксарияти хоқонлик таркибига кирарди. Айниқса, Чоч ва Етгисувда ўнлаб шаҳарларнинг қад ростлашида хоқонликнинг роли катта эди. Маълумки, илк ўрта асрларгача бўлган мингйиллик давомида Буюк Ипак йўлининг жанубий йўналиши шимолий йўналишга нисбатан анча тараққий этган бўлиб, унинг замирида Аҳамонийлар, Қадимги Бактрия, Грек-Бактрия, Кушон салтанати, Хионийлар, Кидарийлар, Эфталийлар каби милоддан аввалги биринчи мингйилликнинг ўрталаридан то милодий эранинг биринчи минг йиллиги ўрталаригача бўлган ўн асрдан ошиқ вақт мобайнида, навбатма-навбат ҳукм сурган мазкур йирик давлат уюшмалари ташкил топган бўлиб, уларнинг маркази айнан жанубий йўналиш бўйлаб жойлашган эди. VI–VIII асрларга келиб эса Буюк ипак йўлининг шимолий йўналиши фаоллашуви асосида Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларининг айнан ушбу йўналиш бўйлаб жойлашган Чоч, Етгисув ва Юлдуз водийси (Шарқий Туркистоннинг шимоли)да қарор топиши ётади. Жанубий йўналиш милоддан аввалги даврларданок йирик давлат уюшмаларига сиёсий марказ вазифасини ўтаб, доимо халқаро савдо-сотик ва у билан боғлиқ иқтисодий тараққиётни ўзига чорлаган бўлса, Турк хоқонлиги даврида, аксинча, сиёсий куч марказининг шимолий йўналишда жойлашуви пировардида тужжорий ва иқтисодий муносабатларнинг ушбу марказ атрофида айланишига замин яратади. Мазкур йўналишда хавфсизликнинг таъминланиши ўз навбатида қадимий Туркистон халқларидан бири, тижоратга мохир суғдийларнинг янада фаол тижорий фаолият юритишига шароит туғдиради. Туркийлар ҳимоятидаги



суғдийлар Шарқ ва Ғарб орасида савдо-сотик ишларини юри-тиб, халқаро воситачилик ролини бажара бошлаши пировард натижада ушбу халқ тилини халқаро тижорат тили ёки халқаро муомала тили мавқеига кўтаради. Шу сабабли бўлса керак, Турк хоқонлигининг марказий ҳудудларида ўз ёзуви – қадимги турк-рун алифбоси қўлланилиши баробарида суғдий тил ва ёзувдан расмий-маъмурий ишларда истифода қилина бошлайди. Демак, куйироқда кўриб ўтадиганимиздек, Тун ябғу-хоқоннинг Чоч воҳасида ўз танга-пулларини суғдий ёзувда бостирганлиги ҳам бежиз эмас.

Тун ябғу-хоқон 630 йилда амакиси Баҳодур томонидан ўлдирилади. Бу пайтда унинг тегин унволи ўғли Суғд ва Тўхористон томонларда эди. Баҳодур хоқоннинг Тун ябғу ўрнини эгаллаганидан норози халқ тегинни Етгисувга чорлайди. Тегин бу ерга келиб ҳокимиятни қўлга киритгач, Сир ябғу-хоқон унвони билан тахтга чиқади.

Хуллас, Тун ябғу-хоқоннинг фаолияти натижасида Византия, Сосонийлар Эрони, Хитой каби Турк хоқонлиги ҳам ўз даврида жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бирига айланади ва ҳатто баъзи жиҳатлари билан улардан ўтиб кетади. Хусусан, туркийлар бир-бирдан қарийб 10 минг чақирим узоқликда жойлашган Шарқий Европа, Узоқ Шарқ ва Ҳинд замини орасидаги маданий алоқаларда воситачи ролини ўйнай бошлайдилар. Хуллас, шу сингари фаолияти Тун ябғу-хоқоннинг, хитой йилномалари тили билан айтганда, «ўз аждодлари давлатини қудратининг чўққисига эриштирган» ҳукмдор сифатида тарихда жой эгаллашига замин яради.

Тангритоғнинг қорли этакларидан Кавказнинг юксак чўққиларига сафар

Тарих чархпалаги айланишда давом этиб, бир нуқта, бир манзилга такрор-такрор дуч келганидек, марказий осиелик қавмларнинг Идил (Волга) дарёсини муттасил равишда кечиб ўтиб, Ғарбга томон силжишгани ва Шимолий Кавказ – Шимолий Қора денгиз хавзалари бўйлаб Шарқий Европа тупроқларида ўзлари учун янги масканлар барпо қилишгани тарих саҳифаларидан маълум. Бу ҳаракат милoddан олдинги мингйилликнинг ўрталарида юнон ва эрон

манбаларида скиф ёки сак (шак) шаклида тилга олинган марказий осиелик қавмлар Қора денгизнинг шимолий соҳилларида пайдо бўлишганию, унинг ортидан милоннинг IV–V асрларида сон-саноксиз хунн отликларининг Шарқий Европани ошиб ўтиб, ушбу қитъанинг марказий ҳудудларига қадам қўйишганида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Буюк Турк хоқонлиги ташкил топиши арафасида ҳам, хоқонлик тарих саҳнасидан тушгандан кейин ҳам Марказий Осиёдан чиққан қавмларнинг Кавказ орқали ғарбга – Шарқий Европага, яна шу йўналишдан жануби-ғарбга – Олд Осиё ўлкаларига интилиши давом этди. Аслан туркий халқларга мансуб ёки яқин қондош бўлган, кейинчалик Шарқий Европадаги янги юртларда турли эл-элатлар билан аралашиб кетган булгорлар, можорлар (венгерлар), аварлар, хазарлар бунинг ёрқин мисолидир. Яна авар-хунн, савир, утургур (ўттиз ўғуз), туқургур (түккиз ўғуз), печенег, куман, қипчоқ, уз-ўз/торк (турк) сингари қанча-қанчалаб туркий уруғларнинг Марказий Осиёдан чиқиб, Шарқий Европа даштларини маскан тутишгани ва бу ерларда ўзларининг давлатларини барпо қилишгани илк ўрта асрларга тааллуқли византия, арман ва сурёний манбаларида қайд этилади. Шунингдек, ушбу қавмлардан бир қанчаси мазкур йўналишнинг ўрта занжирида жойлашган Шимолий Кавказда қолиб, бу ерларда ҳам ўз давлатларини қуришгани тарихий манбалардан маълум.

Худди шундай ҳаракатнинг энг салмоқлиси Буюк Турк хоқонлиги даврида юз беради. Ташкил топганига ҳали кўп бўлмай, VI асрнинг 60-йилларидаёқ хоқонлик қўшинлари Итил (Волга) дарёсини кечиб ўтиб, Шимолий Кавказдаги алан, ас каби маҳаллий қавмларни итоатга олишгани, 570–579 йилларга келиб эса субоши (лашкарбоши) Буқан бошчилигидаги қўшинлар Қора денгизнинг шимолида пайдо бўлишиб, Византия империясига қарашли денгиз бўйидаги Керч (Боспор) қалъасини Турк хоқонлиги таркибига киритганликлари маълум. Бунга шу вақтгача давом этиб келаётган Византия – Турк хоқонлиги иттифоқи бузилиши, Византия империяси билан хоқонлик душмани бўлмиш Авар хоқонлиги орасида дўстона алоқалар ўрнатилиши сабаб бўлади. Шу тариқа анча йиллардан бери ўзаро элчилар юбориш воситасида давом этиб кела-

ётган иттифоқчилик икки қудратли давлат орасига совуқчилик тушиши натижасида бир неча ўн йиллар давомида заифлашиб қолади.

Тун ябғу-хоқон даврида бу алоқалар яна жонлана бошлайди. Бу сафар ҳам ҳар иккала давлатнинг бош мақсади ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бири, марказий ҳудуди бўлмиш Эрондан ташқари яна Олд Осиё, Кавказ ҳудудларини ҳам ўз ичига олувчи Сосонийлар империясига қарши қаратилган эди. Ушбу салтанат Византияга шарқдан қўшни ўлароқ, доимо унинг ҳудудига таҳлика солиб, вассал (тобе)ларини ўз таъсир доирасига олишга интилиши, гоҳо эса Кичик Осиё тупроқларини босиб ўтиб, пойтахт Константинополь (ҳозирги Истанбул) шахрига яқинлашгани Византия императорларини ташвишга солган, шу сабабли улар бошқа қудратли сиёсий кучдан фойдаланган ҳолда рақибни попугини пасайтириб қўйиш йўллари кидиришга мажбур бўлишганди. Ниҳоят, бунинг ҳам иложи топилади. Айни шу дамларда Турк хоқонлиги қўшинлари хоқонлик ва сосонийлар орасида баҳсли бўлиб келаётган Хуросон, Журжон (жануби-шарқий Каспийбўйи), Кобулистону Зобулистон ҳудудларига қадам қўйиб, Эроннинг ички тупроқларига интилаётган эди. Бундан хабардор бўлган Византия императори Ираклий (ҳукмронлик даври: 610–641) Тун ябғу-хоқонга элчи йўллаб, империя қўшинларига шахсан ўзи бошчилик қилиб, Кавказга юриши ва сосонийларга ғарбдан ҳужум қилишини, хоқоннинг эса ўз қўшинлари билан шарқдан ҳужум қилиб, Кавказ тоғларининг қоқ ўртасида душманни яқсон қилиши зарурлигини баён қилади. Шу ўринда хоқонликнинг Кавказдаги фаолиятини атрофлича ёритган «Агван тарихи» асаридан ўрин олган, Византия номидан Турк хоқонлигига элчи бўлиб келган Андрей исмли амалдорга Тун ябғу-хоқоннинг қуйидаги жавобини келтириш кифоя: *«Ябғу-хоқон исмли Шимол ҳукмдори, ки у подшоликда иккинчи одам эди... катта тайёргарлик билан жавоб қайтарди, айтдики: «Мен унинг (Ираклийнинг) душманларидан интиқом олгани чиқаман. Мен ўзим жасур қўшиним билан унга ёрдамга бораман».*

Андрей бошчилигидаги византиялик элчилик ҳайъати Тун ябғу-хоқоннинг Сосонийлар Эронига қарши биргалашиб кура-

шиш таклифига розилик жавобини олгач, 1000 га яқин туркий жангчи ҳамроҳлигида ортга қайтишади. Элчилар йўл-йўлакай олдиларидан чиққан хавф-хатарни мазкур жангчилар ёрдамида бартараф этиб, Дарбанд орқали Кура дарёсига етиб келгач, бу ердан денгиз йўли билан император хузурига етиб оладилар. Византиянинг ушбу элчилик ҳайъатига қўшиб юборилган кишилар сони бу даражада кўп бўлиши хоқонлик учун ҳам мазкур иттифоқ муҳим эканлигидан дарак беради. Эҳтимол, «1000 кишидан иборат жангчи»нинг ҳаммаси ҳарбий бўлмай, уларнинг бир қисми тужжорлар бўлиши ҳам мумкин. Чунончи, элчилик миссиялари билан биргаликда кўп ҳолларда тижорат карвонларининг қўшиб юборилганига доир маълумотлар талай.

Византия императорининг таклифидан миннатдор Тун ябғу-хоқон шад унвонли ўғлини Кавказга сафарбар қилинган қўшинга бош қилиб тайинлайди. Хоқонлик қўшинлари ўзларининг жанговар отлиқлари билан йўлга чиқиб, қисқа муддатда 3 минг чақиримдан ортиқ масофани босиб ўтишади ва Идил (Волга) дарёсини кечиб, шиддатли жанглар билан сосонийларнинг шимолдаги энг мустаҳкам қалъаси Дарбандга ҳужум уюштиришади. Бу жой ҳам ўзининг Каспий денгизи қирғоқларидан бошланувчи ва ғарбга қараб 40 км масофага чўзилувчи, баланд тоғ қоялари устида барпо қилинган тош деворлар билан мустаҳкамлангани, ҳам табиатан ошиб ўтиш қийин бўлган тоғ довонидан иборатлиги боис сосонийлар душман Дарбанд қалъасини забт этиши душвор, деб ҳисобларди. Бироқ хоқонлик қўшинлари қисқа муддатда Дарбандни қўлга киритибгина қолмай, балки тез фурсатда сосонийларга қарашли Кавказдаги мустаҳкам шаҳарлардан бири бўлган Тифлис (Тбилиси) атрофида ҳам пайдо бўлишади. 626 йилда бўлиб ўтган бу воқеалар давомида иттифоқчиларнинг қўшинлари қанча ҳаракат қилишмасин, ҳар тарафи юксак тоғ қоялари билан ўралиб, қалъа деворлари мустаҳкам тошлар билан ихоталанган шаҳар осонликча таслим бўлмайди. Хоқонлик қўшинлари шаҳарни қамал қилишни тўхтатиб, ўз юртларига қайтишаркан, йўл-йўлакай Агвания (Озарбойжон) тупроқларини забт этишади. Шу тариқа Турк хоқонлигининг ҳудуди Шимолий Кавказдан янада ичкарироққа, мустаҳкам Дарбанд деворлари оша Озарбойжон ҳудудларига узаяди.

Хоқонлик кўшинлари Аракс дарёси бўйида кўним топади ва лашкарбоши Шад Эрон шоҳи Хусрав Парвизга элчи юбориб, хоқон билан император Ираклий орасида иттифоқ тузилганини, форслар томонидан босиб олинган барча Византия ҳудудлари ва жанг асирларининг қайтариб берилиши лозимлигини талаб қилади. Шоҳ унга жавоб элчилиги юбориб, хоқонлик билан Эрон орасида қадимий дўстлик алоқалари мавжудлиги, икки томоннинг ҳукмдор хонадонлари ўртасида қуда-андачилик муносабатлари борлигини эслатиш билан биргаликда, Шаднинг ўзини унга қарашли ҳудудлардан қувиб юбориши, ҳатто хоқоннинг ўлкасига ҳужум қилиши мумкинлиги ҳақида дағдаға қилади.

Ҳар ҳолда Эрон шоҳи Хусрав Парвизнинг огоҳлантириши мазкур турк шаҳзодасига таъсир қилган бўлса керак, у Кавказдаги ҳарбий сафарларини тўхтатиб, ўз ўлкасига қайтиб келади. Шад бошчилигидаги кўшинлар Кавказдан катта ўлжалар билан қайтиши, шунингдек, Эрон шоҳининг Шадга қилган муомаласи жиддий эканлигини пайқаган Тун ябғу-хоқоннинг ўзи форсларга қарши юришга қарор қилади. Дарвоқе, «Агван тарихи»да келтирилишича, «Жебу-хоқон ҳоқимияти остидаги барчага, қабила ва элатларга, даштларда ва тоғларда яшовчиларга, шаҳарларда ва очиқ даштда истиқомат қилувчиларга, бошлилар-у сочлиларга. – ҳаммага имо қилган пайтида қурулли ҳолатда шай бўлиб туришларини» буюради. Афтидан, хоқонликнинг Шад бошчилигида амалга оширган дастлабки ҳарбий сафаридан мақсад Эроннинг диққат-эътиборини Византиядан бошқа томонга буриш ва шу тариқа иттифоқчилари бўлмиш Ираклийнинг жангга тайёргарлик кўришига ёрдам бериш эди. Воқеалар ривожидан аён бўлишича, турклар ушбу мақсадига етишади. Хусусан, император Ираклий янги жанг тадориғи учун кўшин йиғишга муваффақ бўлади. 626 йилда Тбилиси яқинида Ираклий ва Зиебил [Ябғу – Тун ябғу-хоқон] ўзаро учрашади. Никифор ва Феофаннинг қайдларида ушбу учрашувнинг тафсилотлари шу тариқа баён қилинади: «Зиебил ва ёнидагилар императорнинг олдидан эгилишди (таъзим қилишди), император эса тожини ўз бошидан олиб, Зиебилнинг бошига қўйди». Учрашувнинг яна бир қизиқ тафсилоти шуки, император хоқонга ўз кизининг расмини кўрсатиб, уни ўзига куёв қилмоқчи эканини

айтади. Тун ябғу-хоқон билан император Ираклий тез орада хоқон қароргоҳига қизини келин сифатида юбориши ҳақида шартлашишади.

Бундан кўринадики, Сосонийлар Эрони ҳар иккала иттифоқчи учун ҳам жиддий хавф бўлиб, унга қарши жангга кириш учун ҳар икки тараф жиддий тайёргарлик кўришган. Аввало, ушбу иттифоқнинг ташкилотчиси бўлиш император Ираклийнинг узоқ вақт бу жангга ҳозирлик кўриши, Ғарбий Турк хоқонлиги эса дастлаб хоқонликда катта мавқега эга бўлган Шад бошчилигида разведка уюштириши, сўнгра эса Жебу-хоқоннинг ўзи қўшинга бошчилик қилган ҳолда ҳарбий сафарга чиқиши бундан дарак беради. Жебу-хоқон 627 йилда яна катта қўшинга бошчилик қилган ҳолда йўлга чиқади. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, тадқиқотчилар орасида ушбу Жебу-хоқон, яъни Жабғу-хоқоннинг кимлиги масаласи ҳақида бир-биридан фарқли фикрлар мавжуд. Хусусан, Й. Маркварт Византия манбаларида Σιλζιβουλος, Διλζάβουλος, Διζάβουλος шаклларида учрайдиган исми қадимги туркча *Sir-jabū* – «Сир халқининг ябғуси» шаклида тиклашни тақлиф қилиб, уни араб-форс манбаларидаги *Синжибу* (пахлавий манбаларидаги *Sir-ğibu*) билан тенглаштиради. Марквартнинг таъкидлашича, ушбу исм арман муаллифларидан Моисей Каганкавацининг асарида *Жебу-хоқон*, Себеоснинг асарида эса *Жембух*, Византиялик тарихчи Феофаннинг асарида Ζιέβηλ шаклларида учрайдиган ҳукмдор *Тун ябғу-хоқонга* тааллуқлидир. Бунинг исботи сифатида куйидаги далилларни кўрсатиш мумкин. Аввало, тарихчи Феофан Зиебилни туркларда хоқондан кейин иккинчи ўринда турувчи шахс сифатида таърифлайди. Иккинчидан, хоқонликдан ёрдам сўраш учун йўлга чиққан Византия элчилиги хайъати фақат Жебу-хоқон билан кўришган бўлиб, у икки томоннинг иттифоқи масаласини ўзи ҳал қилган. Яъни ушбу ҳукмдор ҳокимият ишларини ўзи ҳал эта оладиган ваколатга эга бўлган, шу сабабли у Буюк хоқонга мурожаат қилмаган. Бу вақтда Ғарбий Турк хоқонлиги Шарқий (Марказий) Турк хоқонлигини жилла қурса номига тан олган бўлса керакки, «Агван тарихи»да бош ҳукмдор сифатида Шимолнинг буюк хоқони ва Ғарбий хоқонлик бошқарувчиси сифатида эса подшоликда иккинчи

(мавқедаги) киши Жебу-хоқон иборалари келтирилган. Гарчи хитой йилномаларида Турк хоқонлиги иккита алоҳида-алоҳида давлат сифатида тилга олинса ҳам, византия, арман, сурёний каби ғарб манбаларида бу ҳақда тўғридан-тўғри бирор маълумот учрамайди. Аслида бу пайтда Турк хоқонлиги асосан иккига тақсимлаб бошқарилган бўлиб, биринчиси марказий ва иккинчиси унга бўйсунувчи ғарбий қанотдан иборат эди. Уларнинг биринчиси Буюк хоқон, яъни шимол ҳукмдорининг ҳокимияти – Шарқий Турк хоқонлиги бўлиб, пойтахти Ўрхун водийси (Мўғулистон)да жойлашган ва ғарбда, Олтой тоғининг шарқидаги ерлардан то кун чиқишда Узоқ Шарққача (Кореягача) бўлган ҳудудларни, шимолда эса Жанубий Сибирдан то жанубда Шимолий Хитойгача чўзилган кенг ҳудудларни ўз ичига оларди. Иккинчиси эса Жабғу-хоқон (хоқонликда иккинчи киши) бошчилик қилувчи ғарбий қанот (Ғарбий Турк хоқонлиги) бўлиб, унинг маркази Етгисув, баъзан эса Чоч (Тошкент) воҳасида қарор топган ва кун ботишда то Шимолий Қора денгиз бўйларигача, кун чиқишда эса Олтойнинг ғарбий этакларигача, шимолда Волга ва Урал ҳавзаларидан бошланиб, жанубда то Шимолий Ҳиндистонгача ёйилган кенг ҳудудларни ўз ичига оларди. Аслида хоқонликнинг икки қисмга бўлиниши – бу бир-бирига душман икки гуруҳ томонидан ташкил қилинган рақиб давлатни эмас, балки марказий осиеликларнинг қадимги давлатчилик анъанасига хос тизим, йирик давлатни бошқаришни қулайлаштириш мақсадида йўлга қўйилган қанотларга тақсимлаб бошқариш усулининг бир кўриниши эди, холос.

Шу ўринда хоқонлик тарихига алоқадор яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, баъзи тадқиқотчилар ўша пайтда Тбилисига ҳужум қилган туркий кўшпінлар Ғарбий Турк хоқонлигига эмас, Хазар хоқонлигига қарашли кўшинлар эди, Жабғу-хоқон эса Хазар ҳукмдоридир, деб ҳисоблашса, айрим олимлар Жабғу-хоқон Тун ябғу-хоқоннинг укаси бўлган, деб билишади. Гарчи византия ва арман манбаларида Жабғу-хоқон гоҳ Хазар ҳукмдори сифатида таърифланиши, гоҳ Шимол ҳукмдори билан боғлиқ маълумотлар баъзан чалкаштирилган ҳолда учраса ҳам, улар мазмунидан Шимол ҳукмдори деганда Бош турк хоқони тушунилгани, Жабғу-

хоқон эса Ғарбий турк ҳукмдори эканлиги пайқалади. Бундан ташқари, Тбилиси атрофида император Ираклий билан Жебу-хоқон учрашуви пайтида императорнинг унга олий ҳукмдор сифатида илтифот кўрсатиши, унга ўз қизини беришга ваъда қилиши каби маълумотлар ҳам унинг Хазар ҳукмдори ёки Ғарбий хоқонликдаги иккинчи даражали шахс эмаслигини кўрсатади. Фикримизча, ушбу манбаларда Турк хоқонлиги ва Хазар гўё битта давлат сифатида талқин қилиниб, воқеалар чалкаштириб юборилган ва бу кейинги тадқиқотчиларнинг ишларида мунозарали фикрлар пайдо бўлишига олиб келган. Шу ўринда яна бир далил шуки, агар Ираклийга ёрдамга келган Жебу-хоқоннинг 628 йилда ўз мамлакати ичкарасида рўй берган тартибсизликлар туфайли орқага қайтиб кетгани ва 630 йилда ўлдирилиши каби ҳолатлар назарда тутилса, у билан Тун ябғу-хоқон битта шахс бўлгани янада ойдинлашади. Қолаверса, хитой йилномаларида ҳам Шимол хоқони деганда доимо Шарқий Турк хоқонлиги тушунилиши, Боси (Форс/Эрон)га хужум қилиб, ҳукмдор Кусэхо (Хусрав)ни ўлдирган Ғарбий Турк хоқони сифатида эса Шеху-кехан (Ябғу-хоқон) эслатилиши ва Тун ябғу-хоқоннинг ўлими 630–639 йилларда содир бўлгани ҳақида йилномалардаги маълумотлар ҳам бу масалани аниқлашда ёрдам беради.

Энди яна Кавказга қайтсак. Ўғли Шаднинг Кавказдаги дастлабки ҳарбий сафарларидан кўп ўтмай, Тун ябғу-хоқоннинг ўзи кўшинга бош бўлган ҳолда сосонийларга қарши сафарга чиқади. Ҳар ҳолда дастлабки уринишда Тбилиси шаҳри таслим бўлмагани уни Кавказ сафарига бошчилик қилишга ундаган бўлса ажабмас. Шунингдек, шаҳарнинг дастлабки қамалида тифлисликлар ушбу хоқонни масхаралаб, катта бир қовоққа унинг киефасини чизишган ва уни қалъа деворининг устига илиб, унга ўқ-ёй ёғдиришган эди. Бу эса хоқоннинг иззат-нафсига теккан, шу боис кўшинга ўзи бош бўлган эди. Иттифоқчиларнинг шиддатли хужумларидан наф чиқмагач, шунингдек, об-ҳаво ноқулайлиги ҳар иккала кўшинни қамални вақтинчалик тўхтатиб, ўз юртларига қайтишга мажбур қилади.

Бу пайтда шаҳаншоҳ Хусрав Парвиз ўлдирилиб, Эрон тахтига марҳум шаҳаншоҳнинг ўғли Шеруя ўтирганди. Дарвоқе, Хусрав фожиаси билан боғлиқ воқеалар узоқ Хитойгача етиб



борган бўлиб, йилномаларда бу ишнинг бошида турган шахс сифатида Тун ябғу-хоқон тилга олинади. Чунончи, хитой йилномаларида Суй сулоласи ҳукмдорлигининг охириги йилларида, Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдори Ябғу-хоқон (Шеху-кехан) Боси (Эрон)га бостириб кирганлиги ва ҳукмдори Кусахо (Хусрав)ни ўлдириб, ўрнига унинг ўғли Шили (Шеруя)ни тайинлагани ва бу ерга назорат қилиш учун ўз ноибини юборгани, бироқ орадан кўп ўтмай Шеруя ўлгач, Эрон туркларга бўйсунитишни хоҳламай, унинг ўрнига Хусравнинг қизини тахтга ўтиргизишгани, турклар уни ҳам ўлдиришгани қайд этилади. Бундан кўринадики, Турк хоқонлиги кўшинлари сосонийларга Амударё йўналиши бўйлаб жануби-ғарбдан ҳужум қилган ва Эроннинг то ичкарасигача кириб, ҳокимият ишларига аралашган ва ҳатто шаҳаншоҳларни ўзлари тайинлаган ҳоллар бўлса ҳам, барибир бу ерда хоқонлик учун рақиб бўла оладиган кучлар сақланиб қолган ва шу вадан Тун ябғу-хоқон сосонийларнинг Кавказдаги ҳарбий кучини синдириш мақсадида эди. Ҳар ҳолда, айти шу чоғларда хоқонликнинг иттифоқчиси император Ираклий сосонийлар билан сулҳ тузиш учун ўз шартларини қўяётган бир паллада, хоқонлик кўшинларининг Тифлис деворлари атрофида қайтадан пайдо бўлишини шу тариқа изоҳлаш мумкин. Ниҳоят, Тифлис шаҳри олиниши иттифоқчи Ираклий ўз кўшинларини шаҳар атрофидан олиб кетганидан кейин кўп ўтмай амалга оширилади. Бу гал шаҳарни қамал қилиш узоққа чўзилмайди. Қисқа бир қамалдан сўнг хоқонлик жангчилари ҳамлага ўтишади ва шаҳарга ёриб киришади. «Агван тарихи» ва грузин муаллифлари асарларида жанг тафсилоти қуйидагича келтирилади: «Улар (турклар) қиличларини кўтариб, девор томон интилишди, жуда кўп кишилар бири устига бири тирмашиб, қалъа деворидан ҳам ошиб ўтишди. Заволли шаҳар аҳолиси устига офат ёғилди; улар маглуб эдилар, шу сабаб девордан чекиндилар». Тун ябғу-хоқон Тифлисни мудофаа қилган Ибер (гуржи) ҳукмдорини ва форс саркардасини асир олади. Бу муваффақиятларидан янада руҳланиб кетган хоқон Тифлистан чиқиб ўз пойтахтига қайтар экан, бу ерда ўғли Бўри шадни қолдиради ва унга Агвания, Арманистон каби Кавказ ўлкаларини тўлалигича забт қилишни тайинлайди. Бундан мақсад Кавказни бутунлай хоқонлик таркибига киритиш бўлганлиги «Агван тарихи» асарида шундай берилган: «Агар

мамлакат ҳокимлари ва аъёнлари ўғлимни кутиб олиб, мамлакатни унга тобеликка берсалар, шаҳар қалъаларини очиб, жангчиларимга савдо эшигини очсалар, мен уларга ўз тирикчиликларини ўтказишлари ва менга хизмат қилишларига изн бераман». Демак, хоқонлик янги олинган ўлкаларда ўз қавмдошларини муқим жойлаштиришга ҳаракат қилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тифлис воқеалари баёнини таҳлил қилаётганда айрим тадқиқотчилар нега энди византиялик муҳандисларнинг деворбузар манжанақлари бўла туриб, Византия императори шаҳарни эгаллашни уддалай олмайдию, асосан қўл жанги аслаҳалари билан қуролланган хоқонлик кўшинлари бу ишни амалга оширишди, деган мазмундаги саволни кўндаланг қўйишади. Аслида хоқонликнинг бу муваффақиятига унчалик ажабланмаса ҳам бўлади. Боиси, қарийб 50 йилдан бери гоҳ Шарқий Европада, гоҳ Шимолий Хитойдаю, гоҳида Шимолий Ҳиндистон ва Эронда жанглари олиб борган ва узоқ масофаларни босиб ўтавериш чиниққан ва етарлича жанг тажрибасига эга Турк хоқонлигининг ҳарбий соҳада Византияга нисбатан устун бўлиши табиий эди.

Тифлис зафаридан кейин 629 йилда Византия империяси Эрон билан суҳ тузади. Византия – Турк хоқонлиги игтифоқи ўз умрини тугатган эди. Бироқ бу пайтда Эроннинг ички ишларига гоҳ-гоҳ аралашиб, бу ерда ўз ноибини тайинлаган ва у орқали сосоний шаҳаншоҳларни назоратда тутишни кўзлаган хоқонлик бу ерда ўзларига хайрихоҳ ҳукмдор тахт тепасига келишига қанчалик ҳисса қўшмасин, барибир Сосонийлар империяси ҳар фурсатда Турк хоқонлиги учун таҳлика бўлиб қолаверди. Шу боис Тун ябғу-хоқон Кавказдаги сосонийлар мавқеини бутунлай тугатиш учун ушбу тоғлик ўлканинг қай бир манзилида ёки қай бир дарасида форс кўшинлари бўлса, уларга ҳамла қилишда давом этади. Бўри шад Авғанияга ҳужум қилган паллада бу ерни сосонийлар номидан назорат қилиб турган форс волийси хоқонликнинг Тифлисидаги ғалабасидан ташвишга тушиб, ўз юртига қочиб кетади. Бироқ Авғания (ҳозирги Озарбойжон ҳудудида бўлган) мамлакатининг маҳаллий ҳокими католикос Виро ўз хўжайини – сосонийларнинг ҳарбий кучларидан умидвор бўлган, шекилли, анча вақтгача Бўри шаднинг мамлакатни хоқонлик тобелигига ўтказиш ҳақидаги таклифига

бирор амалий жавоб бермасдан, вақтни чўзишда давом этади. Ниҳоят у Арцах тоғига қочиб, жон сақлашга ҳаракат қилаётган бир пайтда хоқонлик чопарлари уни излаб топадилар ва ҳали ҳам агванияликлар ўз ихтиёрлари билан таслим бўлсалар, омон қолишларини тушунтиришади. Католикос Виро мамлакатнинг барча мансабдорларини йиғиб, «қаршилиқ кўрсатиш керакми ёки бўйсунми?» масаласини ечишни таклиф қилади. Ҳамма бир овоздан бўйсунмишга рози бўлади ва Виро Партав шаҳридан унча узоқ бўлмаган манзилда қароргоҳ тиклаган Бўри шад ҳузурига ўлпонни олиб боради. Шу тариқа Кавказнинг навбатдаги ўлкаси ҳам хоқонлик таркибига киритилади. Шу ўринда бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. Маҳаллий тарихчилар туркийларнинг бу ерда олиб борган ҳарбий ҳаракатларини тасвирлаётганда хоқонлик қўшинларини анча-мунча аччиқ тил билан таърифлашган. Бироқ ўша манбаларнинг ўзидаёқ баъзи ўринларда таъкидланганидек, ҳам Жебу-хоқоннинг ўзи, ҳам унинг ўғли Бўри шад Агванияни эгаллаш борасида дастлаб тинч йўл билан таслим бўлиш талабини қўйишган, талаб бажарилмагач эса ҳужумга ўтишган.

Турк хоқонлигининг Кавказда амалга оширган навбатдаги ҳарбий ҳаракатлари энди Сосонийлар қўл остидаги Арманистонга қаратилади. 630 йилнинг баҳорида бошланган бу юришга лашкарбоши Чўрпон тархон бошчилик қилади. Арманистон сафарига Бўри шад бу жангда иштирок этмайди. Сабаби, айти шу йилда Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий ҳудуди – Егтисувда нотинчлик бошланган, Тун ябғу-хоқонга қарши тахт ғавғосини бошлаган амакиси Баҳодурнинг хагги-ҳаракатлари жияни Бўри шадни ҳам ташвишга солиб қўйган эди. Афтидан, у Кавказни забт этиш ишларини ўзининг ишончли кишиларидан Чўрпон тархонга юклаб, ўзи Егтисувга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Чўрпон тархон 3 минг кишилик қўшин билан Арманистонга ҳужум қилган чоғда бу ерда 10 минг жангчидан иборат сосонийлар қўшини бўлиб, уларга саркарда Гўнағн бошчилик қиларди. Қучлар тенг эмаслигини ҳис қилган Чўрпон тархон ҳарбий ҳийла ишлатиб, туркистонлик кўчманчиларга хос усул қўллаб, жанг вақтида гўё қўшиннинг бир қисмини қочгандай қилиб кўрсатади ва форсларни тузоққа туширади. Шу тариқа Кавказдаги сосонийларга қарашли навбатдаги ўлка ҳам забт қилинади.

Бирок айна шу паллаларда хоқонлиқнинг марказий хуудларида руй берган ҳодисалар Турк хоқонлигининг Кавказдаги фаолияти сусайишига ва бу ерда Сосонийлар давлати ҳукмронлиги қайта жонланишига сабаб бўлади. Яъни амакиси Баҳодур Тун ябғу-хоқонни ўлдириб, хоқонлик тахтини эгаллаши туркийлар томонидан Кавказни забт қилиш иши анча кечикишига сабаб бўлади. Шундай бўлса ҳам, Тун ябғу-хоқоннинг бу тоғли диёрга интилиши бесамар кетмайди. 630–639 йилларда шимоли-ғарбий Каспийбўйи ва Дарбанд хуудларида янги давлат – Хазар хоқонлигининг (650–965) тамал тоши қўйилган бўлиб, бу давлат кўп ўтмасдан Шимолий Кавказ, Шимолий Қора денгиз ва Волгабўйи хуудларини ўз ичига олган, ҳам Сосонийлар давлати, ҳам Араб халифалиги ҳамда Византия империяси учун рақиб бўлган сиёсий кучга айланади. Аслида Хазар хоқонлиги Ғарбий Турк хоқонлигининг давомчиси бўлиб, Етти-сувда ҳокимият талашувларида муваффақиятсизликка учраган турк шаҳзодаларидан бири ўз кўшинлари билан Шимолий Кавказга келиб, бу ерда янги сулолага – Хазар хоқонлигига асос солади. Эҳтимол, бу шаҳзода Тун ябғу-хоқоннинг ўғилларидан бири бўлиши мумкин. Айниқса, унинг 626–628 йилларда хоқонлик кўшинлари Кавказда ҳарбий фаолият юритган пайтда жангларида иштирок этиб, ушбу тоғлик ўлка шарт-шароити билан яхши таниш шаҳзодалардан бири бўлганлиги эҳтимоли юқори.

Машҳур хитой роҳиби Сюан Цзаннинг Тун ябғу-хоқон тасарруфидаги хуудда илк одимлари

Кадим хитойликларда мавжуд бўлган анъанага кўра, Хитойдан ғарбда жойлашган мамлакатлар умумий ном остида «Си юй», яъни «Ғарбий ўлкалар» деб юритилар ва ушбу ўлкаларнинг дебочаси Турфондан то Кошғаргача бўлган масофадаги хуудни ўз ичига олувчи Шарқий Туркистондан бошланиб, узоқ Европагача чўзилган кенг хуудларни қамраб оларди.

Илк ўрта асрларда хитойликлар наздида Ҳиндистон Будданинг ватани сифатида юксак қадрланар, художўй кишилар, айниқса дин пешволари буддизм таълимотининг туб моҳиятини

ўрганиб қайтиш учун бу ўлкага боришни бош мақсад қилиб олишар эди. Ҳиндистон сафарига йўл олган кишилар ўз юртида будда таълимотини чуқур ўзлаштирмоғи ва ўз диний билимлари туфайли омма томонидан юксак эъзозланмоғи лозим эди. Яъни бундай кишилар диний амалларнинг билимдони сифатида халқ орасида танилгачгина Будда юртига отлана оларди. Бироқ йўлларнинг хавфсизлигига на Хитой императори, на унга қўшни ўлкалар ҳукмдорлари кафолат бера оларди. Чунки Хитойдан Ҳиндистонгача бўлган масофа жуда олис бўлиб, бу масофа бўйлаб жойлашган турли-туман ўлкаларда ҳар хил шароитда яшовчи халқлару, бир-бири билан ёвлашадиган ўнлаб ўзаро қўшни катта-кичик давлатлар жойлашган эди. Бундан ташқари, кўплаб тоғу тошлардан, дарёю ирмоқлардан, дашту чўллардан ошиб ўтиш, яъни табиатнинг барча инжиқликларини енгиб, кўзланган манзилга етиб бориш ҳар қандай инсондан катта ирода талаб қиларди. Шу сабабли ўша пайтда Ҳиндистонга бориб, диний билимларни янада бойитиб қайтиш камдан-кам кишига насиб қиларди.

Ўша пайтда бундай эзгу мақсаддаги юзлаб кишилар орасида барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз юртига омон-эсон қайтиб келиш бахти хитой роҳиби Сюан Цзанга насиб этади. 597 йилда таваллуд топган ва Ҳиндистон сафарига отланган чоғида энди 30 ёшлар атрофида бўлган бу толмас киши сафар тадоригини кўра бошлаётганидаёқ будда таълимотини чуқур ўзлаштирган шахс сифатида халқ орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлганди. Ҳатто унинг довуғи қўшни ўлкаларга қадар тарқалган бўлиб, бу унинг сафарга чиққан илк кунлариданок ҳар бир ўлкада юксак эҳтиром билан кутиб олинишида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Сюан Цзан Шарқий Туркистондаги воҳа ҳукмдорликларидан бири Куча давлатига яқинлашганда ушбу кичик давлат ҳукмдори, сарой аъёнлари ва мингдан ошиқ киши Куча шаҳрининг шарқий дарвозасида унга пешвоз чиқишади.

Сюан Цзан она юрти Хитойдан чиқиб, хорижий тупроқларга қадам қўйиши биланок туркийлар қўл остидаги худудлар бошланар эди. Чунончи, Хитой билан Шарқий Туркистонни боғлаб турган Кумул диёри Турфонга яқин жойлашган бўлиб, Ғарбий Турк хоқонлиги ва Хитой империяси орасидаги чегаралар шу



атрофларда кесишарди. Ҳар ҳолда ўзга юртларга илк қадам қўйганидаёқ роҳиб Ҳиндистонга олиб борувчи йўлларнинг барчаси Тун ябғу-хоқон ҳимоятидаги ўлкалардан ўтганини туйган бўлса ажабмас. Зотан Сюан Цзан сафарга чиққан 629 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги ўз қудратининг энг чўққисига чиққан ва Турфондан то Шимолий Ҳиндистонгача чўзилган барча ҳудудлар хоқонлик таркибида эди. Хоҳ Хитойдан Ҳиндистонга элтувчи жануби-ғарбий йўналиш – Шарқий Туркистон – Помир – Кашмир бўлсин, хоҳ шимоли-ғарбий йўналиш – Шарқий Туркистон – Етгисув – Сирдарё – Амударё – Ҳиндикуш бўлсин, Ғарбий Турк хоқонлиги қарамоғида эди ва ҳар иккала йўналиш хавфсизлигини таъминлаш фақат хоқонлик қўшпинларининг қўлидан келарди. Роҳиб Буюк ипак йўли жанубий тармоғининг қатта бир қисмини ташкил этувчи жануби-ғарбий йўналиш, ғарчи қисқа бўлса ҳам, ушбу йўлдан анча узоқ масофали шимоли-ғарбий йўналишни танлаб, Турфон – Кошғар – Етгисув – Чоч – Суғд – Тўхористон – Кобулистон бўйлаб давом этувчи йўлга отланади. Бунинг сабабини икки хил изоҳлаш мумкин: аввало у хоқонликнинг марказий ҳудуди бўлмиш Етгисувга бориб, сафар учун хоқонга қарашли мамлакатлар тупроғидан ўтишга изн олиш учун Тун ябғу-хоқон ҳузурига бориши шарт бўлган ёки айти шу пайтларда Ипак йўлининг шимолий тармоғидаги йўллар янада хавфсиз ва тужжору сайёҳлар учун қулай бўлиб қолгани боис Сюан Цзан шу йўналишни афзал кўрган.

Хуллас, Турфон (Гаочан) ўлкасидан ғарбий ўлкаларга йўл олган хитой роҳиби Сюан Цзанга бу воҳа давлатининг ҳукмдори ўз ишончини билдириб, Тун ябғу-хоқонга элтиши учун роҳибга икки арава мева ва 500 тўп ипак газлама топширади. Айти пайтда улар қуда бўлиб, ўз қизини Тун ябғу-хоқоннинг ўғли – Тўхористонда хоқонлик номидан ҳукм юритаётган Тарду шадга узатган Гаочан ҳукмдори хоқонга алоҳида, ўз куёвигача алоҳида мактуб ёзади ва уларни роҳиб қўлига тутқазади. Гаочан ҳукмдорига тегишли ушбу хатнинг қисқача мазмунини баён қилган Сюан Цзан ундан шу шаклда бир парча келтиради: *«Роҳиб Сюан Цзан қулингиз (Турфон ҳукмдори)нинг биродаридир, буддизмни ўрганаш учун Ҳиндистонга бормоқчи. Лутфан, камини»*

на қўлингизга кўрсатган ҳимматингизни роҳиб Сюан Цзанга ҳам кўрсатинг. Лутфан, гарбий ўлкаларга фармон ёзиб, буйруқ беринг ва от-уловлар билан роҳибни чегара ортигача кузатиб қўйинг». Ушбу парчанинг қизиқарли жиҳаги шуки, Гаочан ҳукмдори ўзини «хоқоннинг қули» сифатида таърифляпти. Ўша даврда Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган 6 та воҳа ҳукмдорлиги орасида энг кучлиси бўлган Гаочан ҳукмдори ўзини бундай аташи диққатга сазовор. Афтидан, бу билан у хоқонликка тобелигини яна бир карра таъкидламоқчи бўлган.

Гаочан ҳукмдорининг илтимоси билан Тун ябғу-хоқон бунёд эттирган Будда ибодатхонасини зиёрат қилгач, хоқонга аталган тухфаларни олиб йўлга тушган Сюан Цзан ва ҳамроҳлари Акини (Қорашаҳр) ўлкасида бўлишади ва бу кичик ҳукмдорликнинг шимолида улғу ва узун Иншан тоғидан ўтаётганда бу тоғнинг кумуш конларига бойлигини кўради. Бу маъданлар хоқонларга тегишли бўлиб, ундан кумуш танга зарб қилинар эди.

Бу ердан яна гарб сари сафарларини давом эттирган Сюан Цзан Кучу (Куча) ва Балука (Оқсу) каби бир қатор шаҳарлар ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Ниҳоят, Шарқий Туркистондан Исикқўл томон отланган роҳиб ва ҳамроҳлари йўлда машаққатли Лин-шан (Бадал-арт) довонидан ошиб ўтаётганда кўплаб қийинчиликларга дуч келишади. Роҳиб ушбу довондан ўтишларини ҳикоя қилар экан, чеккан машаққатлари ҳақида шундай ёзади: «(Балука) мамлакатидан шимоли-гарбга қараб 300 ли (150 км) юрилгандан кейин, чағиртошли бир чўл ошиб ўтилиб, Лин-шан (Бадал) тоғига борилади. Бу тоғ Кунлун (Помир) тоғ тизмаларининг шимолий қисмини ташкил этади. Тоғдаги ирмоқларнинг кўпчилиги шарққа қараб оқади. Тоғ ва қояларнинг устида қорлар тўпланиб қолган ва ҳаттоки баҳор билан ёз ойларида ҳам қорлар музлаб ётади. Вақти-вақти билан музлар эриса-да, кўп ўтмасдан такрор музлаб қолади. (Тоғнинг устидаги) йўл ҳам таҳликали, ҳам юришга ноқулайдир. Тўнгдирувчи (музлатадиган) шамол даҳшатли шаклда эсиб туради. (Тоғнинг устида) аждаҳолар кўп ва у ердан ўтган йўловчиларга зарар беради. Йўловчилар (тоғ) йўлидан ўтаётганда на қизил кийим кия олишади, на қўлида қовоқ (кашкул) олиб юра олишади ва на баланд овоз билан гаплаша олишади. Ушбу қоидалар бузилса, фалокатлар ҳамон йўловчилар кўз

ўнгида бўй кўрсатади ва бўрон бошланиб, қумлар учади, тошлар ёмғир каби ёғади. Бунга дуч келганлар соғ қолмайдилар».

Роҳиб Тун ябғу-хоқон ҳузурида

Ушбу тоғ довонини ошиб ўтиш давомида ҳамроҳларидан 3 кишидан айрилиб қолган роҳиб ниҳоят Суяб шаҳрига, Тун ябғу-хоқоннинг ҳузурига опшиқади ва шаҳарга яқинлашаётганда у билан учрашади. Бу пайтда овга ҳозирланаётган хоқон 3 кундан сўнг қайтиб келиб катта зиёфат беради. Роҳиб хоқон қароргоҳини қуйидагича тасвирлайди: «Хоқоннинг чодирин олтин нақшлар билан безатилган катта ва кенг бўлиб, кўзни қамаштирар эди. Зарбоф ва ипак кийимлар кийган амалдорлар чодирда икки қатор бўлиб ўтиришарди. Хоқоннинг қўриқчилари уларнинг орқасида тик турурдилар. Гарчи бу кўчманчи давлат бўлса-да, унга эҳтиром ва ҳайрат билан қарамай илож йўқ эди». Шу билан биргаликда, Сюан Цзан унинг шарафига уюштирилган ушбу зиёфат чоғида дастурхонга тортилган таомлару шарбатларнинг лаззатлилигини таъкидлаш билан биргаликда, таомдан сўнг машшоқларнинг мусиқа чала бошлашганини, гарчи улар чалаётган оҳанг бу ерликларга хос бўлиб, унинг учун нотаниш туюлса-да, ниҳоятда ёқимли эканини ёзади.

Тун ябғу-хоқон ҳузурида бўлган пайтида Сюан Цзанни ҳайратлангирган воқеалардан яна бири роҳиб ёзган саёҳатноманинг қуйидаги сатрларида ўз ифодасини топган: «Уларнинг отлари саногига етиб бўлмас даражада кўп эди. Хоқон яшил сатиндан кафтан (тўн) кийган бўлиб, сочлари елкасига тушиб турарди. Фақат пешонасини ипак ҳалқа билан боғлаган бўлиб, унинг учлари бошининг орқа томонидан бириктирилган эди. Атрофида ипак чакмон кийган ва сочлари ўрилган икки юзга яқин даган (тархон) деб аталувчи саркардалар жой олишганди. Аскарлар туялар ва отларга минган бўлиб, мўйна ва матолардан кийим кийишган, қўлларида узун найзалар, байроқлар ва ўқ-ёйлар бор эди. Шунчалик кўпчилик эдики, уларнинг адогини кўриб бўлмасди».

Бу ерда роҳиб Ҳиндикуш тоғининг шимолигача чўзилган ҳудудларда жойлашган 60 дан ортиқ катта-кичик ўлка ушбу турк

хоқонининг қўл остида эканидан хабардор бўлади. Хоқон билан учрашув тафсилотларини баён қиларкан, Сюан Цзан яна бир масалага эътибор қаратади. У Шарқий Туркистоннинг вассал ҳукмдорлари хатларини хоқонга берган пайтида, хоқон хатларни диққат билан кўздан кечиргач, уларни дамочи (тамғачи) деб ата- лувчи кишига сақлаш учун топширганини ёзади. Бу маълумот хоқонликда канцелярия – девон хизмати мавжуд бўлганидан да- рак беради.

Шу ўринда диққатни тортадиган бир жиҳат ўша пайтда тамғачи вазифаси мавжуд бўлганлигидир. Тадқиқотчилар фи- крича, дамочи – қадимги туркий тамғачи сўзининг хитойча та- лаффузи бўлиб, ушбу сўз *тугрочи* ёки *муҳрдор* вазифасига тўғри келади. Кейинчалик божхонадан рўйхагдан ўтган ашёлар ҳам тамғачилар томонидан муҳрланган бўлиб, бу сўз замирида бир қатор славян халқлари тилларида сақланиб қолган божхона маъ- носини билдирувчи *таможня* сўзи шаклланган.

Бир муддат Тун ябғу-хоқон ҳузурида ардоқли қўноқ бўлган Сюан Цзан ниҳоят ўзининг бош мақсадини хоқонга тушун- тириб, ундан изн истайди. Будда динига анчадан бери рағбат кўрсатиб келаётган Тун ябғу-хоқон роҳибга Ҳиндистоннинг иқлими иссиқ ва ноқулайлигини, у ерларда истиқомат қилувчи халқларнинг савияси анча қолоқ эканлигини айтиб, унга ўз мамлакатада яшаб қолишни таклиф қилади. Дарҳақиқат, Сюан Цзандан бир неча муддат олдин, 626 йилда ҳинд роҳиби Прабха- карамитра Тун ябғу-хоқоннинг ҳузурида бўлиб, хоқонга ва унинг фуқароларига Будда динининг эзгу жиҳатлари ҳақида ваъз айт- ган, хоқон эса унга анча хайрихоҳ муносабатда бўлганди. Ҳатто Турфон шаҳридан шимолда жойлашган Бешбалиқ шаҳри атро- фида Хоқон Будда шаҳри деб аталадиган шаҳар қурдирган эди.

Хуллас, Тун ябғу-хоқон Сюан Цзанни кўндира олмагач, ўз аскарлари ичидан хитойча ва бошқа тилларни яхши биладиган ёш бир аскарни топиб, роҳиб ва ҳамроҳлари Ҳиндистонга етиб олгунларига қадар уларга йўл кўрсатиб боришини тайинлайди.

Мингбулоқ – Марказий Осиё тарихидаги илк қўриқхоналардан бири

Сюан Цзан Суяб шаҳридан чиқиб, яна сафарга отлангач, Тароз шаҳрига яқинлашганда Мерке шаҳри яқинидаги Бин-йу (Бинг-йўл/Мингбулоқ) деб аталувчи, тоғда жойлашган сўлим бир манзилга дуч келади. Роҳибнинг таърифлашича, бу ерда мингга яқин катта-кичик булоқлар бўлиб, атроф ям-яшил ўтлоқлар ва баланд дарахтлардан иборат эди. Роҳиб бу ер айна пайтда Тун ябғу-хоқоннинг махсус қўриқхонаси эканлигини эслатиш билан биргаликда, хоқоннинг бу ерда ов қилиш ёки ёввойи ҳайвонларни ўлдиришни тақиқлаганини ёзиб, кийик ва бошқа жониворларнинг инсондан қўрқмаслиги ва ҳатто, уларнинг қўлидан овқат ейишларини ҳайратланганча қайд этиб ўтади.

Сюан Цзаннинг таъкидлашича, бу ер Тун ябғу-хоқоннинг ёз ойларида иссиқдан сақланадиган жойи бўлиб, унинг ёзлик қароргоҳи айнан шу ерда жойлашган эди. Ўз навбатида Мингбулоқ Чоч воҳасининг шимолида жойлашган ва ушбу воҳага қарашли манзил эканлиги, Тун ябғу-хоқон ўз бошқарув маркази – қароргоҳини айна шу ерга кўчирганлиги баъзи хитой йилномаларида қайд этилади.

Бу ердан ғарбга йўл олган роҳиб ва ҳамроҳлари турли ўлкалардан келган савдогарлар яшайдиган, ўша даврда туркийларнинг энг йирик савдо-сотик манзилларидан бири – Далосе (Талас/Тароз) шаҳрига етиб келишади. Сўнгра Тароздан ғарбга қараб 200 ли (100 км) ғарбда жойлашган Бай-шуй (Исфижоб/Сайрам) шаҳрига қараб йўл олган Сюан Цзан йўлда 300 хонадон хитойлик аҳоли яшайдиган кичик бир шаҳарчага дуч келади. Роҳибнинг қайд этишича, ушбу аҳоли анча илгари *тукюе* (турк) лар томонидан асирга олиниб, бу ерларга келтирилган хитойликларнинг авлодлари бўлиб, кийиниш ва одағлари туркийларникига ўхшаб кетса-да, ҳалигача ўз тилларини сақлаб қолишган эди.

Роҳибнинг Чочга ташрифи

С айрамдан йўлга чиққан роҳиб ва унинг ҳамроҳлари бу ердан жануби-ғарбга қараб отланишади ва ниҳоят Чже-ше (Чоч) воҳасига кириб келишади. Гарчи Сюан Цзан Чоч воҳасида ҳар бирининг алоҳида-алоҳида ҳокимлари мавжуд ўнлаб шаҳарлар борлигини қайд этиб, ўз навбатида уларнинг барчаси Турк хоқонлиги таркибида эканлигини таъкидласа-да, бироқ воҳанинг бошқарувчи сулоласи ҳақида гапирмайди. Аслида эса бошқа хитой йилномалари ва Тошкент воҳасидан топилаётган VI–VIII асрларга тааллуқли мис тангалардаги маълумотлардан аён бўлишича, бу вақтда Чочда хоқонлар томонидан тайинланган Чоч тегинлари (шаҳзодалари) сулоласи бор эди. Ушбу сулолага Сюан Цзаннинг бу ерга келишидан 20 йилча олдин Тегин Тяньчи исми ашина сулоласидан бўлган шаҳзода асос солганди. Хитой йилномаларида зикр қилинишича, ушбу шаҳзода 605 йилда Тун ябғу-хоқоннинг оғаси Шегуй хоқон томонидан Чочга юборилган эди. Бу вақтда фақат Тун ябғу-хоқоннинг қариндошлари, яъни ашина сулоласига мансуб шахслар учун ишлатилган *тегин* (шаҳзода) унвони ушбу шаҳзоданинг исми билан бирга қайд этилганига қараб фараз қилиш мумкинки, мазкур Чоч ҳукмдори ҳам мазкур сулоладан бўлиб, унинг Тун ябғу-хоқонга яқин қариндош эканлиги эҳтимоли юқори.

Айни шу пайтларда воҳада Бинкет (Тошкент) шаҳридан 2 фарсах (16 км) шимоли-шарқда Жабғукат ва Хотункат номли шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар хоқонлик томонидан тахминан VI аср охири чораги – VII аср бошларида Ғарбий Турк хоқонлиги ҳали Шарқий (Марказий) Турк хоқонлигининг ғарбий қаноти бўлиб турган ва унинг бошқарувчилари *жабғу* / *ябғу* унвони билан ҳокимиятни бошқараётган бир пайтда барпо этилган эди. *Жабғукат* – Жабғу шаҳри ва *Хотункат* – Хотун / Малика шаҳри маъносини англатишининг ўзиёқ ушбу шаҳарларнинг хоқонлик фаолияти натижасида қурилганидан дарак беради. Шунингдек, хоқонлар Чочга алоҳида эътибор қаратишган бўлиб, Ғарбий турк хоқонлари ўзларининг илк тангаларини зарб қилдиришни айнан шу воҳада бошлаган ва унинг мозийси Сюан Цзан келишидан қарийб 50 йил олдинга бориб тақаларди. Роҳибнинг сафари

чогида эса Тун ябғу-хоқон аллақачон ўз қароргоҳини Чочнинг шимолий ҳудудида жойлашган Мингбулоққа кўчириб келган ва ўз танга пулларини «Бағи Тун ябғу-хоқон» жумлалари билан Чочда бостираётган эди.

Сюан Цзаннинг Чочдан кейин навбатдаги сафари Сутулушене (Уструшона) мамлакатига тўғри келади. Сайёҳ бу ернинг ҳам ўз бошқарувчилари борлигини қайд этиш билан бирга, Турк хоқонлигига бўйсунини таъкидлайди. Роҳиб ушбу мамлакат тупроқларидан ўтаётганда катта бир чўлга (яъни, Мирзачўлга) дуч келганликларини, бу ерда на бирор ўсимлик ва на сув топилишини, Кан (Суғд)га олиб борадиган йўлни фақат ўлкадаги баланд тоғларга ва йўлда учрайдиган скелетларга қараб аниқлаш мумкинлигини ёзади.

Сюан Цзан Тун ябғу-хоқоннинг куёви бўлмиш Самарқанд ҳукмдори ҳузурда

Нихоят, хитойлик сайёҳлар Самарқандга етиб келишади. Бу ер Сюан Цзан ва ҳамроҳларига бир муддат дам олиб, қўноқ бўлган жой сифатида ушбу роҳибнинг қайдларида тилга олинади. Роҳиб Суғд ўлкасига қадам қўйгач, бу ерда Симоғйен (Самарқанд)ни нафақат Кушунничиа (Кушония/Каттақўрғон), Мимохэ (Маймурғ), Киенпутанна (Жабудан/Ғубдин) ва ҳоказо ярим мустақил ҳокимликлар устидан ўз мавқеига эга, балки атрофдаги воҳа давлатларида ўз нуфузини ёйган ҳукмдорлик сифатида таърифлайди. Роҳибнинг қайдлари ва хитой манбаларидаги бошқа маълумотлар кўрсатишича, Самарқанд ҳукмдори (Тун) ябғу-хоқоннинг қизига уйланган бўлиб, бу унинг атрофдаги ҳукмдорликлар устидан устунлик қозонишига олиб келган. Гарчи роҳиб ушбу Самарқанд ҳукмдорининг исмини келтирмаган бўлса-да, бошқа хитой йилномаларида унинг исми Кюймучжи шаклида қайд этилган. Дарҳақиқат, бу вақтда хоқонлар ўз қизларини вассал ҳукмдорларга узатиш орқали улар устидан назорат ўрнатгани, ўз навбатида хоқонга куёв бўладиган ҳукмдорнинг бошқаларига нисбатан мавқеи юқори бўлиши шартлиги ҳисобга олинса, Сюан Цзан ташриф буюрган пайтда Самарқанднинг сиёсий мавқеи қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Турк хоқонлиги даврида Суғд конфедерациясининг хоқонлик билан алоқаси жуда қалин бўлган. Бу ҳақда далиллар талай. Хусусан, «Тан шу» («Тан сулоласи тарихи») йилномасида Кушония шаҳрида икки қаватли бино борлиги, бино ички деворининг шимоллий қисмида Ўрталиқ давлат (Хитой) ҳукмдорининг, шарқий қисмида Тукюе (Турк) хоқонларининг ва Поломен (Брахман/Ҳиндистон) ҳукмдорининг, ғарбий қисмида эса Боси (Форс/Эрон) ҳамда Фолин (Рум/Византия) ҳукмдорларининг расмлари тасвирлангани, Кушония ҳукмдори ҳар куни тонгда ушбу расмларга эҳтиром кўрсатгач, ўз ишларига машғул бўлиши ҳақида қизиқ бир маълумот келтирилади.

Сюан Цзан Самарқанд ҳукмдори билан хайр-хўшлашгач, ўз саёҳатномасида Киеншуанна шаклида қайд қилган Кеш ҳукмдорлигига етиб келади ва бу ердан тоғ ён бағри бўйлаб Тўхористон ўлкаси чегарасида жойлашган, Суғд тупроқлари тугаб, Тўхористон тупроқлари бошланадиган тоғ довоғига қадам кўяди.

Роҳиб Тун ябғу-хоқоннинг ўғли, Тўхористон бошқарувчиси Тарду шад ҳузурда

Роҳиб ўз асарида ушбу довоғ номини хитой тилига ўтирган ҳолда Тие-мен шаклида келтириб ўтади. Аслида бу жой илк ўрта асрларда жуда машхур эди ва илк бор қадимги туркий битиктошларда Темир Қапиғ, форс тилли манбаларда эса Дарбанди Оҳанин шаклида тилга олинган бўлиб, ҳар иккала ном ҳам, унинг роҳиб келтирган хитойча номи ҳам луғавий жиҳатдан «Темир даръоза» деган маънони билдиради. Тун ябғу-хоқоннинг аجدодлари Истами ябғу ва Тарду хоқон даврида хоқонлик ҳудуди жануби-ғарбга қарата кенгайтирилган бир пайтда бу ер хоқонликнинг энг чекка ва муҳим аҳамиятга молик чегара ҳудудларидан ҳисобланган. Шу сабабли Қул Тегин битиктошида ота-боболарининг ўз халқини ғарбда Темир Қапиққача ерлаштиргани алоҳида таъкидлаб ўтилади. Ушбу тоғ манзилининг пунга ўхшаш бошқа манзиллардан фарқли ўлароқ ёзма манбаларда алоҳида тилга олиншига сабаб эса қадим замонлардаёқ Ҳиндистон ва Эрондан чиқиб, Марказий Осиёнинг турли ўлкаларига йўл олувчи савдо қаровонлари

айнан шу манзилда тўхганар ва мазкур жойдан ўтишаётганида улардан бож олинарди. Яъни бу жой қадимий божхона сифатида узоқ ўлкаларга ҳам маълум эди. Айниқса ўша пайтда мазкур жойда тоғ қояларига бириктирилган улкан дарвоза бўлганлиги диққатга сазовордир.

Сюан Цзан бу жойни қуйидагича тасвирлайди: «*Тие-мен (Темир дарвоза)нинг ўнг ва сўл икки томони тоққа туташган. Тоғ бениҳоя юксак ва тик қоялардан иборат. Тор бир жой бўлишига қарамай (бу ердан) ўтиш анча қийин ва таҳликали. (Кечит)нинг икки томонидаги девор каби қоя ҳам темир рангидадир. (Бу ерга) тахтадан қилинган дарвоза жойлаштирилган ва (бу дарвозалар) темир қисмлар билан бир-бирига жипслаштирилиб, мустаҳкамлангандир. Дарвозаларнинг тепасида анчагина қўнғироқчалар осилган. (Бу ер) ошиб ўтиш қийин ва жуда яхши қўриқлангани учун ушбу жой шундай номланган*».

Ниҳоят роҳиб ва ҳамроҳлари Тун ябғу-хоқон томонидан алоҳида аҳамият берилган Тўхористон ўлкасига етиб келишади. Роҳиб Тўхористонни таърифлар экан, бу ўлканинг 27 катта-кичик воҳа давлатларидан ташкил топганини ва Турк хоқонлигига бўйсунушини қайд қилиб, Тун ябғу-хоқон бу ерга бошқарувчи сифатида ўгли Тарду шадни тайинлаганини таъкидлайди. Роҳиб Тўхористон гупроғига қадам қўйгач, Чиеганна (Чағониён), Тами (Термиз) ва бошқа мулклардан ўтиб, Тарду шаднинг қароргоҳи Хо (Қундуз) шаҳрига етиб келади.

Сюан Цзанни қарши олган Тарду шад 620–629 йилларда Тўхористон бошқарувига юборилган ва у бу ўлканинг бош ҳукмдори сифатида ўзига ябғу унвонини қабул қилган эди. Роҳиб у ўзини «Тўхор ябғусиман» деб алоҳида виқор билан атаганини таъкидлайди. Дарвоқе, шу даврдан бошлаб то VIII аср ўрталаригача Тўхористонда асосий бошқарувчи хонадон – бу ўлкани хоқонлик номидан бошқарган Тўхористон ябғулари сулоласи мазкур Тарду шаднинг авлодлари эдилар. Демак, уни ушбу сулола асосчиси бўлган, деб ҳисоблашга тўла асос бор.

Сюан Цзан Тўхористонда бўлиб турган пайтда Тарду шадга қайнотаси бўлмиш Гаочан (Турфон) ҳукмдорининг хатини беради. Афсуски, роҳиб бу ерга келган пайтда Тарду шаднинг турфонлик аёли вафот этган бўлиб, мазкур ҳукмдор бошқа бир

қизга уйланган эди. Тарду шад роҳиб будда динининг машхур намояндаси эканлигидан хабар топиб, уни ўз қўл остидаги Балх шаҳрини зиёрат қилишга таклиф этади. Зеро, бу даврда Балх юзлаб ибодатхоналарга эга шаҳар сифатида будда динининг руҳоний марказларидан бирига айланган эди. Дарвоқе, Сюан Цзан ушбу шаҳарни Фу-хэ (Балх) мамлакати шаклида келтириб, бу ерда 100 тадан ортиқ ибодатхона, 3 мингга яқин будда роҳибни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Афтидан, Тарду шад ҳам отаси Тун ябғу-хоқон каби буддизмга хайрихоҳ бўлган, шекилли, ушбу диннинг ўз ҳукмдорлиги ҳудудида гуллаб-яшнашига шароит яратиб берган эди.

Хитой роҳибни Тарду шаднинг ҳузуридан чиқиб, Ҳиндистон томон йўл олганда ўнлаб ўлкалар ва кичик ҳукмдорликлар тупроғидан ўтади. Аҳамиятлиси, роҳиб Тун ябғу-хоқон ҳимоятида Еттисувдан то Тўхористонгача ҳеч қийинчилик кўрмасдан етиб келган бўлса, Ҳиндистонга ҳам унинг ўғли Тарду шад ҳимоятида шу тарзда омон-эсон етиб олади. Албатта, Сюан Цзаннинг Хитойдан йўлга чиқиб, қарийб 8 минг чақирим йўл босиб, 50 дан ортиқ ўлка ва мамлакат тупроғидан ўтиши ва то Ҳиндистонгача хавф-хатарсиз етиб олишида Тун ябғу-хоқон томонидан унинг хавфсизлиги таъминланиши ҳақида берилган буйруқ катта ўрин тутган. Дарвоқе, Тўхористон бошқарувидаги ўғли Тарду шад ҳам ўз отасининг хоҳишидан келиб чиқиб, роҳибни Ҳиндистон тупроғигача соғ-саломат етказиб қўяди.

Сюан Цзан Тун ябғу-хоқон ҳокимиятининг энг жанубий сарҳадларида

Сюан Цзан дастлаб тоғли Бомиён мамлакатига, ундан кейин эса Каписа (Кобул водийси)га кириб боради. Бу ер ўша вақтда ҳозирги Афғонистондаги энг йирик ҳукмдорликлардан бири бўлиб, Гандҳара, Зобулистон каби ўлкаларни ўз ичига олар ва Ғарбий Турк хоқонлигининг жанубдаги энг чекка ҳудуди эди. Бу ҳудуд хоқонлик таркибига Тун ябғу-хоқон ҳукмдорлиги даврида ёки сал кейинроқ киритилган ва хоқонлик қўшинлари бу ердан туриб Шимолий Ҳиндистон ҳамда Афғонистоннинг ички ҳудудларига қарата йил сайин ҳарбий юришлар уюштирар ва янги ҳудудларни хоқонлик тар-



кибига киритишарди. Шу билан биргаликда, хоқонлик вакиллари бу ерда фақат ҳарбий ҳаракатлар олиб борибгина қолмай, маҳаллий урф-одатлар билан танишиш ва имкон қадар уларга амал қилишга тиришардилар. Айниқса, бу ашина хонадонига мансуб амалдорларнинг будда динига кўрсатган эҳтироми ва ўз танга пулларини хоқонликка хос *ябғу*, *тегин* каби олий унвонлар билан маҳаллий халқлар тилида, яъни бақтрий, қадимги ҳинд ва паҳлавий ёзувларида зарб қилдиришганида яққол кўринади. Бу ер хоқонлик ҳукми остида бўлган илк йилларданок Қашмир, Гандҳара каби қадимий маданият марказларида турк шаҳзодалари томонидан Тегин-шоҳ ибодатхонаси қурдирилиши, хоқонликка мансуб малика томонидан эса Хотун ибодатхонаси барпо этилиши хоқонлик вакилларининг маҳаллий халқлар урф-одатига қай даражада эҳтиром кўрсатганидан дарак беради. Дарвоқе, шу даврдан бошлаб 2 асрдан ортиқ давр мобайнида Гандҳара, Кашмир, Каписса (Кобул), Зобулистон, Кандаҳор каби ўлкаларни ўз ичига олувчи Тегин-шоҳлар сулоласининг ҳам тамал тоши айнан Тун ябғу-хоқон ва унинг авлодлари даврида қўйилган бўлиб, ушбу сулола Ҳиндистонда қурилган илк туркий сулолалардан бири сифатида тарих саҳифасидан муносиб ўрин олган. Ушбу сулолага доир маълумотлар хитой, араб ва ҳинд манбалари билан биргаликда бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам тилга олинган. Хусусан, Беруний мазкур сулолани туркий ҳисоблаб, уни Барахтегин сулоласи шаклида қайд этиш баробарида унинг келиб чиқишига доир ривоятлар ҳам келтирадики, тадқиқотчилар ушбу ривоятлар замирида ашина сулоласининг келиб чиқиши билан боғлиқ Олтой тоғи афсонаси ётишини таъкидлайдилар.

Сюан Цзаннинг Каписса ўлкасидан чиқиб Ҳиндистоннинг ички ҳудудларига йўл олиши 633 йилга тўғри келади. Ниҳоят, у Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудудидан чиқиб, Ҳиндистон мамлакатига қадам қўяди. У бу мамлакатда 10 йилча қолгач, қайтишда яна хоқонлик ҳудудини босиб ўтишига тўғри келади.

Роҳиб Ҳиндистонда эканлигида Тарду шаднинг ўз аёли ва ўғли томонидан заҳарлаб ўлдирилганини эшитади. Шу сабабли у Ҳиндистондан ўз юрти Хитойга қайтаётганда аввал келган



йўли – сайёҳлар учун анча қулай бўлган текислик ва воҳалардан иборат Амударё – Сирдарё – Еттисув – Шарқий Туркистон йўналиши бўйлаб эмас, балки қарийб фақат тоғлардан иборат, мушкулотларга тўла Ҳиндикуш – Помир – Тибет – Шарқий Туркистон йўналиши бўйлаб қайтишга мажбур бўлади. Бойси, аини йилларда воҳа йўли анчагина хавфли бўлиб қолган, ушбу ҳудудлар тинчлигини таъминлаб турган Тун ябғу-хоқон ўлдирилган, Ғарбий Турк хоқонлиги ички ҳаётида ғалағовурларга тўла бесаранжом бир шароит ҳукм сурарди. Айниқса унинг ўғилларида отаси сингари давлатни бошқарувчилик қобилияти бўлмаганлиги сабабли мамлакат ичкарасидаги нотинчликлар нафақат ашина хонадони вакиллари орасидаги тахт талашувларда, балки ўзаро бошбошдоқликлар мисолида ҳам кўрина бошлаганди.

Саройда фикс-фасод, тахт талашувлар кучайган, мамлакат ичкарасида эса нотинчлик бўлиб турган бир пайтда халқ Тун ябғу-хоқон давридаги осойишта ҳаётни қўмсаб, мархум хоқоннинг ўғлини ҳокимиятга чорлашади. У Сир ябғу-хоқон унвони билан тахтга чиқади ва амакиси Баҳодур хоқонга қарши кураш бошлайди. Бироқ Тун ябғу-хоқоннинг ўғли Сир ябғу-хоқон отасига ўхшамаган бир характер эгаси эди. Ундан умиди катта бўлган халқ оммаси тез орада унинг ношуд бир одам эканини пайқаб қолади ва кўпчиликнинг хоқондан кўнгли совийди. Халқнинг хайрихоҳлигидан айрилган Сир ябғу-хоқон кўп ўтмай саройни ташлаб қочади ва Суғдга, кейинчалик эса Тўхористонга келади. Бу ерда у бутун аҳолининг эъзозидан бўлган Балх шаҳридаги Навбаҳор ибодатхонасида сақланаётган қимматбаҳо буюмларни талон-торож қилгач, халқнинг ғазабига учрайди. Хитой йилномаларида Сир ябғу-хоқон ўзининг бу қилмишидан кейин туш кўриб, жавоҳирларни жойига қўймаса тез орада ўлиши ҳақида ғайбдан огоҳлантириш олгани қайд этилган. У уйғонгач, қўрқиб кетганидан талончилик билан олган барча буюмларни жойига қўйишни буюради. Бироқ бу иш уни кўп ўтмай фожиали ўлим топишдан сақлаб қола олмайди.

Ниҳоят Сюан Цзан 643 йилда Ҳиндистонда кечган 10 йилдан ортиқ саёҳатини тугатиб, ўз она юрти Хитойга қайтиш тараду-

дида йўлга отланар экан, яна Шимолий Ҳиндистон тупроқлари орқали Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудудига кириб ўтади. Бу ерда у Тўхористон ябғуси бўлмиш Тун ябғу-хоқоннинг невараси, Тарду шаднинг ўғли Тегин шад хузурига ташриф буюради. Роҳиб унинг саройида бир ой қолгандан сўнг ушбу ҳукмдор уни ўз қўл остидаги Бадахшоннинг жанубида жойлашган Менг-хиен (Мунжон) ҳукмдорлигига юбориб, жануби-шарқий йўналиш орқали Хитойга етиб олишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу ерда диққатни тортадиган яна бир масала шуки, айти шу йилларда Хитойдаги Тан сулоласи императорлари ғарбий ўлкаларга нисбатан даъвогарлик қилаётган ва Ғарбий Турк хоқонлиги таркибидаги Шарқий Туркистон ҳукмдорликларига ўз қўшинларини кiritиб, хоқонликни жиддий ташвишга солаётган бир пайт эди. Шундай таҳликали онларда Тўхористон ябғуси Тегин шаднинг роҳибга илтифот кўрсатиши диққатга сазовор.

Чоч – Тун ябғу-хоқон тангалари зарб қилдирилган ҳудуд

Кадим замонлардаёқ танга пул иқтисодий манфаатларга хизмат қилувчи ва товар айирбошлашни енгиллаштирувчи восита бўлибгина қолмай, балки танга зарб қилдириш орқали ҳар бир давлат ўз мустақиллигини ҳам ифодаларди. Яъни танга туғ (байроқ), тамға, герб ва шунга ўхшаш давлат рамзларидан бири ҳисобланар, ҳар бир ҳукмдорнинг ўз номидан танга пул зарб қилдириши у мустақил ҳукмдор эканининг бир кўрсаткичи эди.

Марказий Осиёдаги илк маҳаллий тангалар минтақанинг жанубий ҳудудларида Кушон салтанати ҳукмронлиги илк даврлариданоқ зарб қилина бошлаган бўлса, бу анъана милод бошларида минтақанинг шимолий қисмида ҳам тарқала бошлаган эди. Бу ҳудудда илк тангалар милодий II–III асрларда Қанг давлати томонидан зарб қилингани маълум. Шунингдек, минтақанинг Хоразм, Суғд каби кичик воҳа ҳукмдорликлари ўз тангаларини милоднинг илк асрларидаёқ муомалага киритганлиги кўплаб нумизматик материаллар асосида ўз тасдиғини топган.

Шу билан биргаликда, Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида, аниқроғи Волгадан то Ўрхун дарёларигача чўзилган кенг дашт қисмида қарийб худди шу даврлар мобайнида мавжуд бўлган қадимги кўчманчи давлат уюшмалари – Юечжи ва Усун давлати, Хунн салтанати ҳамда Жуан-жуан хоқонлигига оид тангалар шу пайтгача топилмагани улар ўз танга-пул тизимига эга бўлмаган, деган фикрга олиб келди. Ҳолбуки келиб чиқиши минтақанинг айнан шу қисми – Марказий Осиёнинг шимоли-шарқи билан алоқадор бўлиб, ўз давлати марказини минтақанинг жанубий сарҳадларида барпо этган Кушон салтанати ҳам, унинг ўрнида милодий IV–VI асрларда ҳукм сурган Хионийлар, Кидарийлар ва Эфталийлар давлатлари ҳам ўз тангаларини бостирганликлари маълум. Тадқиқотчилар Марказий Осиёнинг кўчманчи турмуш тарзи ҳукмрон давлатларида иқтисодий ҳаётда пул муомаласига унчалик эҳтиёж сезилмаганлиги, кўчманчи аҳоли ўз иқтисодий муносабатларини натурал (нарсга айирбошлаш) шаклда амалга оширганлигини таъкидлаш билан биргаликда, асли келиб чиқиш жойи кўчманчи муҳит билан боғлиқ Кушон, Хионийлар, Кидарийлар ва Эфталийлар давлатлари ўзларининг янги масканлари бўлмиш ўтроқ муҳитда танга зарб қилдирмасликлари мумкин эмасди, деб ҳисоблайдилар.

Хўш, Марказий Осиёнинг ҳар иккала қисмини, яъни ҳам кўчманчи турмуш тарзига эга шимоли-шарқий ҳудудларни, ҳам асосан ўтроқ-деҳқон аҳоли яшовчи жануби-ғарбий қисмини бирлаштирган улкан империя ўлароқ Турк хоқонлиги бу масалада қандай йўл тутган?

Марказий ҳудудлари Ўрхун водийси (Мўғулистон) бўлган Буюк Турк хоқонлиги бўлсин, ўз бошқарув марказини Еттисувда барпо этиб, унинг ғарбий қанотини ташкил қилган Ғарбий Турк хоқонлиги бўлсин, ўз танга зарбига эга эдими ё аксинчами, деган масалада олимлар шу пайтгача бир қарорга келишмаганди. Сабаби, на Ўрхун водийсида ва на Еттисувда хоқонлик билан тўғридан-тўғри алоқадор нумизматик материалларнинг топилмаётганлиги бу масалани чигаллаштирар эди.

Ниҳоят, сўнги 4–5 йил мобайнида бир қатор ўзбек олимларининг, шу жумладан, мазкур сатрлар муаллифининг сай-



ҳаракатлари туфайли Ғарбий Турк хоқонлиги ўз танга пул зарбига эга бўлганлиги аниқланиб, дунё илм аҳлига танитилди. Хусусан, муаллифнинг Тошкент воҳасидан топилаётган юзлаб мис тангалардаги ёзувларни бир-бирига таққослаган ҳолда тўлиқ тиклаб ўқиши натижасида ушбу хоқонлик томонидан 570–579 йиллардан бошлаб то VII асрнинг сўнги чорагигача қарийб 150 йил мобайнида ўнлаб турдаги тангалар зарб қилдирилгани ўз тасдиғини топди. Шундай қилиб, асосан Чоч воҳаси, қисман эса Фарғона водийси Ғарбий Турк хоқонлари ўз тангаларини бостирган ҳудудлар бўлиб чиқди. Дарвоқе, ғарбий қанотнинг давлат сифатида шаклланиш босқичларини ифодаловчи, сиртида *жабғу*, *жабғу-хоқон* ва *хоқон* унвонларини ва қадимий туркий давлатчиликка хос ҳокимият рамзларини акс эттирган мис тангаларнинг айнан Чоч ҳудудида зарб қилдирилгани аниқланиши Ғарбий Турк хоқонлиги тарихи билан боғлиқ кўплаб масалаларнинг ечимини топишга хизмат қилаётир.


Албатта, хоқонликнинг илк тангалари айнан Чоч воҳасида бостирилиши ўз тарихий асосларига эга. Зеро Турк хоқонлигининг асосчиларидан бири, ўз ҳарбий фаолияти давомида хоқонлик ҳудудини ғарбга ва жануби-ғарбий ўлкаларга қарата кенгайтиришда масъул бўлган Истами ябғу ҳам, унинг ўғли – ғарбий қанот асосчиси Тарду хоқон ҳам таянч ҳудуд сифатида Чоч ва унга яқин ҳудудларда фаолият олиб боришган. Шунингдек, 600–609 йилларнинг бошларида Чоч воҳаси улус сифатида айнан Тарду хоқоннинг набираси Шегуйнинг зиммасига тушган эди. Бундан ташқари, айти шу йилларда Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори сифатида ҳукм юритаётган, хоқонлик асосчиси ва илк ҳукмдори бўлмиш Бумин хоқоннинг авлоди, шу билан биргаликда Истами авлодларига қариндош бўлган Чўра хоқон (599–610) ўз давлатида иккита кичик хоқонлик жорий қилиб, улардан бирининг бошқарув марказини айнан Чоч воҳаси пимолига кўчирганди. Тун ябғу-хоқон ҳукмронлиги даврида эса воҳанинг шимолий ҳудудидаги Мингбулоқ мавзеси хоқонликнинг ёзлик қароргоҳига айланиши, шунингдек, ғарбий хоқонлик ҳукмдорларининг ташаббуси билан қишлоқ қароргоҳ сифатида Чоч воҳасининг қоқ ўртасида Жабғукат шаҳри қад

ростлаши каби омиллар Чочнинг маълум маънода Ғарбий Турк хоқонлиги сиёсий марказига айланишига, шу билан бирга, хоқонликнинг иқтисодий ва тужжорий марказларидан бири сифатида қарор топишига олиб келади.



Айниқса, бу даврда Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларининг Етгисув ва Чоч воҳасида жойлашуви натижасида Буюк ипак йўли фаолиятининг шимолий йўналиши тараққий қилиши бу ерларда ўз савдо-сотик марказлари – бозорларга эга янги шаҳарларнинг қад кўтаришига бош омил бўлиши билан биргаликда, ўз навбатида хоқонларнинг манфаатларига мос тушар эди. Шу тариқа, ҳам воҳанинг қадимий танга пул зарбидан тапиш бўлган, ҳам бу ердаги жонли тужжорий муносабатлардан яхши хабардор хоқонлар ўз ҳокимият рамзларини акс эттирувчи тангалар чиқара бошлайдилар.

Тангаларини ўзидан олдинги Ғарбий Турк хоқонлариникига мослаб, фақат улардаги тасвирларни янада мукаммаллаштирган ҳолда зарб қилдира бошлаган Тун ябғу-хоқон, аввалгилардан фарқли ўлароқ, тангаларда ўз исми ва ҳокимиятининг, илоҳийлиги ҳамда буюклигига ишора қилувчи эпитетларни акс эттирди. Агар Тун ябғу-хоқонгача чиқарилган хоқонлик тангалари орасида фақат бобоси Тарду хоқоннинг исми учраса, унинг даврига келиб 3 хил типда танга зарб қилинган. Уларнинг сиртида сўғдий ёзувда «Бағи Тун жабғу-хоқон» жумлалари битилган бўлиб, мазмунан «Илоҳий (ҳокимиятга эга) Тун жабғу-хоқон» маъносини билдирарди. Шунингдек, олдин зарб қилдирилган хоқонлик тангаларининг бир қисми анэпиграфик, яъни ёзувларсиз, фақат хоқонликка хос тамға ва турли тасвирлар (тахтда ўтирган ҳукмдор ёки устида ярим ой ва юлдуз акс этган от тасвири) ҳамда тахтда чордона қуриб ўтирган ҳукмдор (жабғу) ва унинг ёнида чўккалаб ўтирган малика (хотун) тасвири ёки узун сочли ҳукмдор ва хотуннинг бош қисми акс эттирилиб, орқа юзасига «жабғу» унвони туширилган, айнан қайси ҳукмдорлиги мавҳум бўлиб қолаётган тангалардан фарқли ҳолда Тун ябғу-хоқоннинг тангалари янада мукамаллик касб этди.

Тун ябғу-хоқонга тааллуқли тангаларнинг ҳозирча уч тури (типи) аниқланган:

1-тип. Ўнг томонида чордона қурган ҳолда икки томонга қараган иккита шер тасвири тахтада ўтирган ҳукмдор тасвирланган. Ҳукмдор ўнг томонга юзланган бўлиб, узун сочлари елкасигача тушган, ўнг қўли белига тиркалган ҳолатда, чап қўлида эса қилич ушлаб турибди. Ҳукмдорнинг чап томонида баъзан парвоздаги қуш (хумо) тасвири, баъзан эса кўп қиррали юлдуз, юлдузнинг устида эса ярим ой тасвирлари ўрин олган. Шер шакли тахтнинг ҳар икки томонида, аниқроғи шернинг бошидан бироз тепада «Д» ҳарфига ўхшаш қандайдир бир рамзий буюм акс этган. Танганинг тескари томонида ўртада  шакли тамға ва унинг атрофида соат милига тескари йўналишда суғдий жумла ўрин олган бўлиб, у *βυυ twп сpуw x'y'n* – «Илоҳий Тун жабғу-хоқон» тариқасида ўқилади.

2-тип. Ўнг томонида ёнма-ён ҳолатда, бош қисми акс этган Ҳукмдор (ябғу/хоқон) ва малика (хотун) тасвирлари ўрин олган. Ҳукмдор тасвири чап томондан ўрин олган бўлиб, узун сочлари елкасигача тушган, думалоқ юзли, бироз қисқ, бодомсимон кўзли қиёфада, ўнг томонда жойлашган малика тасвири ҳам думалоқ юзли, бодомсимон кўзли қилиб тасвирланган. Маликанинг бошида узун уч қиррали қалпоқ бор. Танганинг тескари томонида биринчи тангадаги билан бир хил тамға жой олган. Тамғанинг атрофида яна соат милига тескари йўналишда бошланган суғдий жумла ўрин олган бўлиб, юқоридаги танга билан бир хил ўқилади.

3-тип. Ўнг томонида 2-танга билан деярли бир хил қиёфадаги ҳукмдор ва малика тасвири жой олган бўлиб, аввалгисидан фарқли ўлароқ, малика қалпоқсиз тасвирланган. Шунингдек, ҳар иккаласининг сочлари бир хил шаклда орқага таралган ҳолатдадир. Танганинг тескари юзида юқоридаги тангалардан бироз фарқлироқ  шакли тамға билан биргаликда баъзан  шакли белги, баъзан эса хочсимон аломат ўрин олган. Тамғанинг атрофида суғдий жумла мавжуд бўлиб, юқоридаги тангалардан бироз фарқли ўлароқ *twп зpуw x'y'n* – «Тун жабғу-хоқон» шаклида ўқилади.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу тангаларда акс этган тасвирларнинг баъзилари анча қадимий асосларга эга. Жумладан,



1-тип тангадаги шерсимон тахтада ўтирган ҳукмдор тасвири Кушон салтанатига оид тангаларда учрайди. Ушбу тасвир Марказий Осиёнинг бир қатор қадимий давлатлари бўлмиш Қанғ давлати, Суғд конфедерацияси, Хоразм подшолиги, Хионийлар, Кидарийлар ва Эфғалийлар давлатларига оид тангаларда ёки минтақанинг Турк хоқонлигигача ёхуд хоқонлик билан бир даврда мавжуд бўлган бошқа давлат уюшмалари тангаларида учрамасдан, Кушон давлати инқирозидан қарийб 300 йил кейин, айнан Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларидан жой олганлиги диққатни жалб қилади. Муҳими шундаки, Кушон давлатининг илк тангалари ҳам ябғу унвони билан зарб қилинган. Бу каби ўхшашликлар эса Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари ўзларини қай даражададир кушонлар билан боғламаганмикан, деган мазмундаги саволларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, Тун ябғу-хоқонга оид 2-тип тангаларда ҳукмдор ва малика тасвирининг ёнма-ён жойлашганлиги ҳам диққатга сазовор. Фикримизча, бу ҳолатни қадимги туркий давлатчилик анъаналари билан боғлаш мумкин. Чунончи, туркий сулолаларда ҳукмдорнинг аёли – малика хотун деб аталар ва у хоқон билан биргаликда давлат бошқарувида фаол иштирок этарди. Демак, Чоч воҳасида зарб қилдирилган хоқонликка оид тангаларнинг аксариятида кўшалоқ тасвирнинг жой олиши бежиз эмас. Шу билан биргаликда, Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида кўп ҳолларда маликанинг узун уч қиррали қалпоқда тасвирланиши ҳам ўз мазмунига эга. Хусусан, қадимги туркийлар эътиқодида Умай исми илоҳа ўрин олиб, у қут-барақа ҳомийси ҳисобланган ва ҳомиладорлигини, болаларни ҳамда жангчиларни қўриқловчи илоҳа сифатида талқин этилган.

Қизиғи шундаки, ҳозирда ҳам Умай ёки Умай она деб аталувчи ушбу илоҳанинг рамзларидан бири узун уч қиррали қалпоқ бўлган. Демак, хоқонликка хос тангаларда маликанинг бундай қалпоқда тасвирланиши бежиз эмас. Яъни бошқарув ишларида доимо хоқонга ҳамроҳ бўлган малика – хотун рамзий маънода Умайга менгзалган. Зеро, қадимги туркий битиктошлардан бири Кўл Тегин китобасида «Умайтег ўғул қатун қутига иним Кўл Тегин эр ат бўлди», яъни «Умайдек онам хотун қутига



(бахтига) иним Кўл Тегин эр йигит (деган) ном тонди» жумлаларининг учрашиёқ бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Худлас, Тун ябғу-хоқон томонидан Чоч воҳасида зарб қилдирилган тангалар нафақат ўша давр иқтисодий-сиёсий тарихини ёритишга ёрдам беради, балки бу давр давлатчилик анъаналари ва мафкураси ҳақида ҳам муҳим маълумотларни ўзига жо қилганлиги билан аҳамиятлидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. *Артамонов М.И.* История Хазар. – Л., 1962.
2. *Бабаяров Г.* Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Т., Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007.
3. *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. 1-жилд. Арабчадан А. Расулов таржимаси. – Т.: Фан, 1968.
4. *Абу Райҳон Беруний.* Ҳиндистон. // Танланган асарлар. 2-жилд. Арабчадан А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов, Ф. Жалилов таржимаси. – Т.: Фан, 1965.
5. *Бичурин Н.Я. (Иакинф).* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II. – М. – Л., 1950.
6. *Буряков Ю.* К истории раннесредневекового Чача // *O'zbekiston tarixi*, 2002. №3. С. 10–20.
7. *Гумилев Л.Н.* Древние тюрки. – М., 1967.
8. *Гумилев Л.Н.* Қадимги турклар. – Т., 2007.
9. *Ходжаев А.* Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). – Т.: Тафаккур, 2010.
10. *Тун ябғу* // *Ўзбекистон миллий энциклопедияси*, 8-жилд. – Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2004. 618-бет.
11. *Babayar G.* Köktürk Kağanlığı sikkeleri Kataloğu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. – Ankara: TİKA, 2007.
12. *Chavannes E.* Çin Kaynaklarına göre Batı Türkleri. – İstanbul, 2007.
13. *Ekmek E.* Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. – Ankara, 2003.
14. *Хаметова А.* «Мингүрик» атамасига доир // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2010. №1. 76–80-бетлар.

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Чоч – Тун ябғу-хоқон қароргоҳи.....	5
Тангритоғнинг қорли этақларидан Кавказнинг юксак чўққиларига сафар.....	14
Машхур хитой роҳиби Сюан ЦзаннингТун ябғу-хоқон тасарруфидаги ҳудудда илк одимлари	25
Роҳиб Тун ябғу-хоқон ҳузурида	29
Мингбулоқ – Марказий Осиё тарихидаги илк қўриқхоналардан бири	31
Роҳибнинг Чочга ташрифи	32
Сюан Цзан Тун ябғу-хоқоннинг куёви бўлмиш Самарқанд ҳукмдори ҳузурида	33
Роҳиб Тун ябғу-хоқоннинг ўғли, Тўхористон бошқарувчиси Тарду шад ҳузурида	34
Сюан Цзан Тун ябғу-хоқон ҳокимиятининг энг жанубий сарҳадларида	36
Чоч – Тун ябғу-хоқон тангалари зарб қилдирилган ҳудуд.....	39
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	46

Ғайбулла Боллиевич Бобоёрв,
тарих фанлари номзоди

ТУН ЯБҒУ-ХОҚОН

(рисола)

ўзбек тилида

Муҳаррир В. Умиров
Техник муҳаррир У. Хамутов
Мусаҳҳих Н. Сайдаҳмедова
Дизайнер Г. Насридинова
Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдаҳмедов

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А уй.
Телефон: (+99871) 241-0169
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu_mc@uzconsult.org
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашр. лиц. АИ № 090, 16.07.2007. Босишга 16.03.2011 йилда рухсат этилди.
Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$, Шартли босма тобоғи 2,79. Нашр тобоғи 3,00.
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Букортма №11-003.
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ
матбаа бўлимида босилди.